

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Курилиш” факултети  
“Курилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб  
чиқариш” кафедраси

**ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА  
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Диплом лойиҳасининг мавзуси:

**“Кишлоқ ва сув хўжалиги қурилиши учун унумдорлиги йилига 20 минг  
м<sup>3</sup> бўлган темирбетон қувур ва пойdevор блок ишлаб чиқариш  
корхонасини технологик жараёнини лойиҳалаш.”**

Кафедра мудири: \_\_\_\_\_

Юсупов X.B.

Диплом лойиҳаси  
раҳбари: \_\_\_\_\_

Абдиев М.

Кафедра мудири: \_\_\_\_\_

Абдиев М.

Битиувчи: \_\_\_\_\_

402-ҚМБвАКИЧ гурӯҳ  
талабаси Номозов Б.

Самарқанд-2018

## Мундарижа

### КИРИШ

1. ЛОЙИХАЛАШ УЧУН КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
  - 1.1. Умумий тушунчалар
  - 1.2. Буюмнинг тавсифини аниқлаш
  - 1.3. Корхонанинг иш режимини аниқлаш
  - 1.4. Хом ашёлар сарфини ҳисоблаш
  - 1.5. Корхонанинг (цехнинг) ишлаб чиқариш дастури
2. ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ
  - 2.1. Технологик линияларни ҳисоблаш учун умумий қўрсатмалар ва
  - 2.2. уларнинг равоқларда жойланиши
  - 2.3. Технологик ускуналарни танлаш
  - 2.4. Цехдаги линияларнинг технологик жараёнини ташкил этиш
  - 2.4 Агрегат-поток усули
3. БУЮМЛАРНИ ИССИҚЛИК БИЛАН ҚОТИРИШ ЖАРАЁНИ
  - 3.1. Умумий маълумотлар
  - 3.2. Буюмларни узлукли (цикли) ишловчи агрегатларда қотириш
4. ХОМ АШЁЛАР ОМБОРЛАРИ ВА БЕТОН ҚОРИШ ЦЕХИ
  - 4.1. Цемент омборлари
  - 4.2. Тўлдирувчилар омбори
  - 4.3. Бетон қориш цехи
5. КОРХОНАНИНГ (ЦЕХНИНГ) БОШ ТАРХИНИ  
ЛОЙИХАЛАШ
  - 5.1. Бош тархни лойихалашнинг умумий меъёрлари
  - 5.2. Ишлаб чиқариш цехларининг меморий қурилмавий ечимлари
6. АТРОФ МУҲИТ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ  
Иловалар  
Фойдаланилган адабиётлар

## **Кириш**

Мустақил Республикализнинг келажакда кучли ривожланган давлатлар қаторида ўрин олишида олий ўқув юртлари олдига юқори малакали мухандис мутахасислар, шу жумладан қурилиш соҳасида мураккаб масалаларни еча оладиган лойихачилар, конструкторлар ва мухандисларни тайёрлашдек мухим вазифалар қўйилмоқда. Хозирги бозор иқтисодига ўтилаётган бир пайтда арzon ва маҳаллий хом ашёлар асосида замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, илғор тинхнологияларни қўллаш, улардан қурилиш саноати талабларига мос келувчи ва ҳалқ хўжалиги учун зарур бўлган қурилиш буюмлари ва қурилмаларни тайёрлаш мухим ахамиятга эгадир. [1]

Мамлакатимизда 23 йил давомида капитал қурилиш соҳасига катта эътибор берилмоқда ва уни ривожлантириш учун ҳар йили катта маблағ ажратилмоқда. Қурилиш индустрясини ривожлантирмасдан ҳалқ хўжалигига керакли ютуқларга эришиб бўлмайди. Туар жой, саноат бинолари, коммуникация иншоотлари қурилмасига бўлган талабни қайтадан кўриб чиқиш, маҳаллий хомашёлардан янги замонавий қурилиш ашёлари, буюм ва конструкцияларни ишлаб чиқаришга доир муаммоларни ҳал этиш хозирги замон талабининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” қонунларида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан холда таълим, хусусан олий таълим тизимида сифат жихатидан чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги қонунга мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасидаги соғлом рақобат мухитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сиқатида изчил ривожлантириш мақсадида олий таълимда ҳам тинимсиз янгиланиш, фан ва тараққиётнинг энг илғор янгиликлари талabalар онгига сингдирилиб борилмоқда.

Мамлакатимиз президенти ташаббуси билан қабул қилинган “Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили” Давлат дастурига мувофиқ қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқларда ҳаёт даражасини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун моҳиятини ўзгартиришга, аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2011-йил 20-майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахасислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисидаги” № П 19-1533 сонли қарори, 2-иловаси 7-бандига асосан ушбу “Бетон тўлдирувчилари технологияси” фанига инновацион таълим технологияларини жорий этиш бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилди.

Бетон таркибининг асосий ташкил этувчилари бўлиб тўлдирувчилар ҳисобланади. Бетон ҳажмининг қарийиб 80% ни майда ва йирик

тўлдирувчилар ташкил этиб, улар бетоннинг хоссаларига, узоқ муддат чидовчанлигига ва бетон буюм ва қурилмаларнинг таннархига катта таъсир этади.

Индустрисал қурилишда энг кўп ишлатиладиган буюм ва қурилмалар асосан турли хил бетонлардан тайёрланади. Бетонлар қайси жойларда ва шароитларда ишлатилишига қараб, уларга мос равишда тўлдирувчилар ишлатилади.

“Курилиш материаллари ва буюмлар технологияси” мутахассислиги талабалари учун асосий бўлиб ҳисобланган “Бетон ва темирбетон технологияси” фанининг асосий қисмларидан бири бўлган бу курс бетон учун ишлатилаётган тўлдирувчилар ҳакида тўла билим бериб, тўлдирувчиларни олиниш манбаи, ишлаб чиқариш технологияси, бетонларда ишлатилиш хусусиятлари, уларга бўлган техник талаблар ва уларни текшириш (синаш) ҳакида тушунчалар беради

Йиғма темир-бетон саноати эски корхоналарни қайта таъмирлаш ва янги замонавий самарадор корхоналарни лойиҳалаш, корхоналарда юқори сифатли кўп микдорда маҳсулотларни ритмик тайёрлашни ташкил қилиш бўйича корхона бўлимларида мувафаққиятли раҳбарликни амалга оширадиган мутахассис кадрларга муҳтоҷ.

Йиғма темир-бетонни ривожланишига цемент, металлургия, машинасозлик саноатларини ривожланиши сабаб бўлди, ҳамда унинг технологиясини ривожланишини цемент ва бетонлар ҳакида фанга мустаҳкам илмий асосланган.

Ҳозирги вақтда Республикаизда темир-бетон конструкцияларини ғовак тўлдирувчилар асосидаги енгил бетонлардан тайёрлаш талаб қилинади. Масалан, армоцемент конструкциялари, ғовак (ячейкали) ва газобетон. Булар маълум микдорда конструкцияларни енгиллаштириш масалаларини ҳал қилмоқда. Конструкцияларини енгиллаштириш арматура ва цемент микдорини тежашга, конструкцияларни кўндаланг кесимини камайишига ва уларни пролётини узайтиришга олиб келади. Сейсмик кучлар таъсирида бўлган енгиллаштирилган конструкциялар алоҳида аҳамиятга эга, улар маълум микдорда динамик кучларни сўндириди.

## **1-Боб . ЛОЙИХАЛАШ УЧУН КЕРАКЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ**

### **1.1. Буюмнинг номенклатурасини аниқлаш**

Буюмнинг номенклатурасини аниқлашда асосан шу буюм ёки маҳсулот учун норматив ҳужжатлар ва Давлат стандартлари (ДАСТ) рухсат этадиган тавсиялар киритилади.

Диплом лойиҳасини бажариш учун қўйидагилар берилган: Саноат бинолари қурилиши учун унумдорликлари йилига 15 минг м<sup>3</sup> бўлган, икки тармоқли темирбетон устун пойдевори ишлаб чиқариш цехининг (корхонанинг) технологик жараёнини лойиҳалаш. Бетон синфи В35 (М500). Буюмлар мос ҳолда агрегат- паток усусларида ишлаб чиқарилади.

Қараётган мисолимиздаги буюмлар учун сарф бўладиган бетон ва арматура миқдорини ҳисоблаймиз. Ҳисоблашлар қулай бўлиши учун жадвал шаклида бажарилади (жадвал 1.1).

**Буюмнинг тавсифи ва унга ишлатиладиган материаллар сарфи**

**Жадвал 1.1**

№	Марка	Ўлчамлари, мм			Бетон сарфи м <sup>3</sup>	Арматура сарфи, кг			Арматура- нинг солиштир ма сарфи, кг/м <sup>3</sup>
		Узу н- лиг и	эни	бўйи		одди й	Зўриқти -рилган	жам и	
1	Лоток арик ости балка	2490	600	600	0.35	37	-	37	105.7
2	Лоток арик	5990	1030	1840	0.72	13.2	-	13.2	18.45

### **1. 2        БЕТОН ТАРКИБИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЛОИХАЛАШ.**

#### **Бетон таркибини ҳисоблаш ва лоиҳалаш учун керакли маълумотлар.**

Диплом лоиҳасини бажариш учун бетон таркибини ҳисоблаш ва уни лоиҳалаш бўйича қўйидаги маълумотлар берилган:

Маркаси L6-8 (6\*0,78\*0,68 м) бўлган темирбетон лоток тайёрлаш учун синфи В30 бўлган бетон таркиби ҳисоблансин. Бетон қоришимасини тайёрлаш учун қўйидаги материаллар ишлатилган: портландцемент, активлиги  $R_u=40$  МПа (500 кгс/см<sup>2</sup>); ҳақиқий зичлиги  $\rho=3,15$  г/см<sup>3</sup>; уйма зичлиги  $\rho_m=1,76$  г/см<sup>3</sup>; нормал қотувчанлиги 25%; бетон аралашмасининг ҳаракатчанлиги  $\Pi=6$  см. Бетон қоришимаси ҳажми 1450 л бўлган бетонқоригичда  $\tau_a=130$  сек. давомида аралаштирилади.

Йирик ва майда тўлдирувчиларнинг донадорлик таркибли қолдиқлари ва тавсифномаси №1 ва №2 жадвалларда берилган. Қумнинг сув талабчанлиги 7%. Тўлдирувчилар юқори сифатли ашёлардан ташкил топган. Бетон мустаҳкамлигини ҳисоблаш учун тажрибалар асосида олинган натижалар №3 жадвалда берилган. №1 ва №2 донадорлик қумларнинг элакдаги айрим қолдиқлар миқдори, %.

### 1.3. БЕТОН ТАРКИБИННИ ҲИСОБЛАШ

#### 1.3.1. Майда тўлдирувчи сифатида ишлатиладиган қумнинг донадорлик таркибини ҳисоблаш

Қумнинг донадорлиги унинг таркибида ҳар-хил ўлчамли доналарнинг бўлиши билан тавсифланади. Топшириқда берилган қумнинг донадорлик таркиби бўйича уни элаклардан ўтказилиб тўла қолдиқлар процент ҳисобида қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$A_i = a_{2,5} + a_{1,25} + a_{0,65} + \dots + a_i$$

Бунда ҳар бир элакдаги айрим қолдиқлар ( $a_{2,5}$ ,  $a_{1,25}$ ,  $a_{0,65}$  ва ҳоказо) процент ҳисобида аниқланади. Исталган элакдаги тўла қолдиқ шу элакдаги айрим қолдиқлар ва юқорида жойлашган барча элаклардаги қолдиқлар йиғиндисига teng.

№1 таркибли қум учун тўла қолдиқларни ҳисоблаймиз:

$$A_{2,5}=6\%; A_{1,25}=24\%$$

$$A_{0,65}=6+18+30=54\%; A_{0,315}=6+18+30+13=67\%; A_{0,14}=6+18+30+13+25=92\%.$$

$$\text{№2 таркибли қум учун Гула колдиқлар: } A_{2,5}=4\%; A_{1,25}=4+30=34\%;$$

$$A_{0,65}=4+30+14=48\%; A_{0,315}=4+30+14+15=63\%; A_{0,14}=4+30+14+15+30=93\%.$$

Қумнинг элакда элакланиши анализ қилиш натижалари асосида доналарнинг йириклик модули  $M_k$ =қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_k = \frac{A_{2,5} + A_{1,25} + A_{0,65} + A_{0,315} + A_{0,14}}{100}$$

№1 таркибли қум учун йириклик модули

$$M_k = \frac{6 + 24 + 54 + 67 + 92}{100} = 2.43$$

№2 таркибли қум учун йириклик модули

$$M_k = \frac{4 + 34 + 48 + 63 + 93}{100} = 2.42$$

Қумнинг донадорлиги сифати унинг ўртача зичлик даражаси орқали белгиланади. Қумнинг ўртача зичлиги эса унинг ғоваклиги ва намлигига боғлиқдир. Унинг ғоваклиги (%) қўйидаги формула орқали топилади:

$$P_n = \left(1 - \frac{\rho_m}{\rho}\right) \cdot 100\%$$

№1 таркибли қум учун унинг ғоваклиги

$$P_1 = \left(1 - \frac{1450}{2570}\right) \cdot 100\% = 43.5\%$$

№2 таркибли қум учун унинг ғоваклиги

$$P_2 = \left(1 - \frac{1570}{2570}\right) \cdot 100\% = 38.9\%$$

Қумнинг намлиги (%) куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W_n = \left( \frac{m_b - m_c}{m_c} \right) \cdot 100\%$$

№1 таркибли қумнинг намлиги  $W_1 = \frac{500 - 472}{472} \cdot 100 = 6\%$

№2 таркибли қумнинг намлиги  $W_1 = \frac{500 - 449}{449} \cdot 100 = 11.3\%$

Күмнинг ўртача йириклиги Б.Г.Скрамтаев формуласи ёрдамида ҳисобланади:  $d_{yppm} = 0,5 \sqrt{\frac{A_{0,14}}{11 \cdot a_{0,14} + 1,37 \cdot a_{0,315} + 0,171 \cdot a_{0,65} + 0,02 \cdot a_{1,25} + 0,024 \cdot a_{2,5}}}$

№1 таркибли қум учун

$$d_1 = 0,5 \sqrt{\frac{92}{11 \cdot 25 + 1,37 \cdot 13 + 0,171 \cdot 30 + 0,02 \cdot 18 + 0,024 \cdot 6}} = 0,27$$

№2 таркибли қум учун

$$d_2 = 0,5 \sqrt{\frac{93}{11 \cdot 30 + 1,37 \cdot 15 + 0,171 \cdot 12 + 0,02 \cdot 30 + 0,024 \cdot 4}} = 0,23$$

Күм таркибининг солишири мақсати А.С.Ладинский формуласи ёрдамида ҳисобланади:

$$S = \frac{16,5K}{1000} (a + 2 \cdot b + 4 \cdot c + 8 \cdot d + 16 \cdot l + 36 \cdot f), \frac{m^2}{kg}$$

Бу ерда: К-күмнинг турини ҳисобга олувчи коэффициент;

Тоғ қуми учун K=2;

Дарё ва денгиз қумлари учун K=1,65;

Майда қумлар учун K=1,3;

a, b, c, d ва e күзлари 5...0,14 мм бўлган элаклардаги қолган айрим қолдиқлар, %;

f-ўлчами 0,14 мм элакдан ўтган тўлиқ қолдиқ, %.

№2 таркибли қум учун

$$S = \frac{16,50 \cdot 1,65}{1000} (6 + 2 \cdot 18 + 4 \cdot 30 + 8 \cdot 13 + 16 \cdot 25 + 36 \cdot 8) = 31,11 \frac{m^2}{kg}$$

№1 таркибли қум учун

$$S = \frac{16,50 \cdot 1,65}{1000} (4 + 2 \cdot 30 + 8 \cdot 15 + 16 \cdot 30 + 36 \cdot 7) = 27,33 \frac{m^2}{kg}$$

Топилган натижалар асосида жадвал тузилади (жадвал 1).

Иловада берилган жадвал 4 асосан №1 таркибли қум дона таркиби бўйича ўртача, №2 таркибли қум эса майда таркибли гурӯхга бўлинади.

## Кумнинг асосий тавсифномалари

Жадвал 5

Кумлар	Уйма зичлик, кг/м <sup>3</sup>	Ҳакикий зичлик, кг/м <sup>3</sup>	Йириклик модули, М <sub>κ</sub>	Ғоваклик, %	Намлик, %	Үртача йириклик, d <sub>...</sub>	Солиштирма юзаси, м <sup>2</sup> /кг	0,63 элакдаги тўлик колдик	ДАСТ бўйича кум гурухи
1	1450	2570	2.43	43.5	6	0,27	31.11	54	Майда
2	1570	2570	2	38.9	11.3	0,23	27.33	34	ўртacha

Кумнинг донадорлиги ва унинг бетон тайёрлаш учун яроқлилигини баҳолаш учун элаш натижалари (тўла қолдиқлар бўйича) графика чизилади (1-расм). Агар қум донадорлигининг эгри чизиги штрихланган майдон чегарасида жойлашса, қум бетон учун яроқли хисобланади. Бундан ташқари бетон учун мўлжаллаган қумда ўлчами 5...10 мм бўлган доналар массаси бўйича 5% ортиқ бўлмаслиги керак. Кўзлари 0,14 мм элакдан ўтган майда заррачаларнинг миқдори 10% ортиқ бўлмаслиги керак. Жадвал 1 ва графикдан (1-расм) кўриниб турибдики №2 таркибли қум ДАСТ 10268-70 талаби бўйича бетонга ишлатишга яроқсиздир. 0,14 элакдан ўтган зарраларининг миқдори 10% кўп ва 0,63-2,5 мм доналарининг миқдори кам. №1 таркибли қум эса ДАСТ талабига тўлиқ мос келади, донадорлик графиги эса талаб қилинадиган соҳа ичиди, демак бу қум бетонга яроқлидир.

Айрим ҳолларда ишлатиладиган қумнинг донадорлик таркиби иккала вариантда хам бетон учун рухсат этиладиган қумлар соҳасидан катта чиқиб кетиши мумкин. Бундай ҳолларда қумнинг 0,63...1,25 мм оралиқдаги донадорлиги керакли миқдорда кўрайтирилади ёки камайтирилади.



0 1 0,315 0,63 1,25 2,50 5,0  
 Элак кўзларининг ўлчамлари, мм  
*1-расм. Кум донадор таркибининг графиги.*

### **2.3.2. Йирик тўлдирувчилар сифатида ишлатиладиган шағалнинг донадорлик таркибини аниқлаш.**

Оғир бетон тайёрлаш учун йирик тўлдирувчи сифатида шағал ёки майдалангандан чакиртош ишлатилади. Йирик тўлдирувчиларнинг донадорлиги 10 кг массали ўртача намунани кўзларининг ўлчами 70, 40, 20, 10, 5 ва 3 ммли стандарт ғалвирда элаб, кейин хар-бир ғалвирда қолган қолдиқларни тортиб аниқланади. Сўнгра алоҳида ва тўла қолдиқлар фоизларда ҳисоблаб топилади ва тўлдирувчи доналарининг катта-кичиклиги аниқланади, ҳамда  $D_{\text{энг.катта}}$  ва  $D_{\text{энг кич.}}$  деб белгиланади. Доналарнинг энг йириги учун тўла қолдиқ 5% дан ортмайдиган энг устки ғалвир кўзларининг ўлчами, энг кичик йирик дона учун эса энг пастки ғалвир кўзларининг ўлчами (унда тўла қолдиқ камида 95% ни ташкил қиласди) қабул қилинади. Кейин  $0,5 (D_{\text{энг.катта}} + D_{\text{энг кич.}})$  ва 1,25  $D_{\text{энг.катта}}$  қийматлари ҳисоблаб топилади.

Шағалнинг тўла қолдиқлар микдори (2,1) формула ёрдамида аниқланади.  
**№1 таркибли шағал учун:**

$$A_{10} = 64\%; A_5 = 64+28=92\%; A_3 = 92+8=100\%; A_{20}=6+7=13\% A_{30}=1+5=6\% A_{40}=1\%$$

**№2 таркибли шағал учун:**

$$A_{40} = 6\%; A_{30} = 6+2=8\%; A_{20}=20\%; A_{10}=20+40=60\%; A_5=60+30=90\%; A_3 = 90+10=100\%;$$

**№1** ва **№2** таркибли шағаллар учун  $D_{\text{энг кич.}}$  3 мм (ғалвирдаги тўла қолдиқлар микдори 95% кўп),  $D_{\text{энг.катта}}$  20 ва 40 мм (ғалвирдаги тўла қолдиқлар микдори 5 % дан ошмайди).

**№1 таркибли шағал учун**  $0,5(D_{\text{энг.катта}} + D_{\text{энг кич.}})=0,5(20+3)=11,5$  мм. Қабул қиласиз 10 мм (ғалвир кўзларининг диаметри).

**№2 таркибли шағал учун**  $0,5(D_{\text{энг.катта}} + D_{\text{энг кич.}})=0,5(40+3)=21,5$  мм. Қабул қиласиз 20мм.

**№1 таркибли шағал учун**  $1,25 D_{\text{энг.катта}}=1,25 \cdot 20=25$ мм. Қабул қиласиз. 30 мм.

**№2 таркибли шағал учун**  $1,25 D_{\text{энг.катта}}=1,25 \cdot 40=50$ мм. Қабул қиласиз 70 мм.

Шағалнинг ғоваклиги, % (2,3) формула орқали топилади:

$$\text{№1 таркибли қум шағал учун } \Pi_1=(1-\frac{1600}{2800}) \cdot 100=43\%,$$

$$\text{№2 таркибли шағал учун } \Pi_2=(1-\frac{1650}{2750}) \cdot 100=40\%.$$

Шағалнинг намлиги, % (2,4) орқали топилади:

**№1 таркибли шағал учун**

$$\text{№2 таркибли шағал учун } W_1 = \frac{(2.5 - 2,45) \cdot 100\%}{2,45} = 2.04\% .$$

Топилган қийматлар асосида шағалнинг тавсифномасини белгиловчи жадвал 5 ни тузамиз.


### Шағалнинг асосий тавсифномаси

Жадвал 5

№	Уйма зичлик,	Хакикий зичлик, кг/м <sup>3</sup>	Говаклик, %	Намник, % W	Тўла қолдиқлар миқдори							ДАСТ бўйича шағалнинг тавсифномаси
					70	40	30	20	10	5	3	
№ 1	1600	2800	43	2.0 4				13	64	92	100	Ишлатишга ярдами
№ 2	1650	2780	40	1.2				20	60	90	100	Яроқсиз майдан

Йирик тўлдирувчиларнинг донадорлик таркибини баҳолаш учун элаш натижалари графиклари чизилади (2-расм). Графикдан қўриниб турибдики,

№1 таркибли шағалнинг донадорлик эгри чизиги ДАСТ талаби бўйича белгиланган соҳа ичидан ўтиб турибди. Демак №1 таркибли шағални йирик тўлдирувчи сифатида бетон тайёрлаш учун ишлатиш мумкин; №2 таркибли шағалнинг донадорлик эгри чизиги штрихланган соҳадан майда шағаллар соҳаси томонга чиқиб кетган. Бу шағалда майда фракциялар миқдори (3...5мм) кўп бўлиб, йирик фракция миқдори (10...20 мм) етишмайди. Демак №2 таркибли шағалнинг таркибини яхшилаш учун йирик фракция миқдорини 10...15% ошириш зарур, ёки майда фракция миқдорини 5...10% камайтириш керак.



Ғалвир кўзларининг ўлчамлари, мм  
2-расм. Шагал донадор таркибининг графиги.

### 2.3. Оғир бетон таркибини танлаш ва ҳисоблаш.

Бетон таркибини танлашдан мақсад, бетонни ташкил қилувчи ашёлар орасидаги энг аниқ нисбатни аниқлашдан иборатdir.

Бундай нисбат зичлаш учун бетон қориши масини осон қўйилишини ва цемент мумкин қадар тежалганда, бетоннинг керакли мустаҳкамлигига эга бўлишини тъминлаш керак.

Бетон таркибини танлаш ва ҳисоблаш асосан  $1\text{m}^3$  зичлантирилган қориши маънни учун сарф қилинадиган ашёлар массаси орқали ифодаланади. Сув-цемент нисбати С/Ц қуидагича топилади:

Оддий бетонлар учун ( $\text{С/Ц} \geq 0,4$ )

$$\frac{C}{Ц} = A \cdot \frac{R_u}{(R_b + 0,5 \cdot A \cdot R_u)} \quad (2,7)$$

Юқори мустаҳкам бетонлар учун ( $\text{С/Ц} < 0,4$ )

$$\frac{C}{Ц} = A \cdot \frac{R_u}{(R_b - 0,5 \cdot A \cdot R_u)} \quad (2,8)$$

Бу ерда  $R_u$ -цементнинг активлиги, МПа,  $R_b$  – бетоннинг синфи (маркаси), МПа, А ва  $A_1$  тўлдирувчилар сифатини эътиборга оловчи коэффициенти. Юқори сифатли тўлдирувчилар учун  $A=0,65$ ;  $A_1=0,43$ ; оддий тўлдирувчилар

учун  $A=0,6$ ;  $A_1=0,4$ ; сифати паст тўлдирувчилар учун  $A=0,55$ ;  $A_1=0,37$ .

$\frac{C}{Ц}$  нисбатини (2,7) формула ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$\frac{C}{Ц} = A \cdot \frac{R_u}{(R_b + 0,5 \cdot A \cdot R_u)} = 0,60 \cdot \frac{40}{(35 + 0,5 \cdot 0,65 \cdot 40)} = 0,51$$

Иловада берилган жадвал 3 асосида бетон қориши масининг харакатчанлиги  $П=2$  см ва шағалнинг донадорлиги  $Д_{\text{энг.кatta}}=20$  мм бўлган ҳол учун мос келувчи сувнинг сарфи  $C=200$  л (йириклик модули  $M_k=2$  бўлган ҳол учун). Жадвалда берилган  $M_k=2,0$  нисбатан қумнинг йириклик модули ҳар 0,5 миқдорда камайса ёки кўпайса,  $M_k=2,0$  мос келувчи сув миқдорига  $3\dots5\text{ л/m}^3$  сув қўшилади ёки айрилади. Бизнинг мисолимизда қумнинг йириклик модули  $M_k=1,77$ , демак  $2-1,77=0,23$ . Интерполяция ёрдамида топсак, 0,23 миқдорига тахминан  $3\text{л/m}^3$  сув қўшамиз. Унда сувнинг миқдори (сарфи)  $C=200-0=200\text{л/m}^3$ .

$$\text{Цемент миқдорини аниқлаймиз: } \frac{C}{\frac{\Pi}{\Pi}} = \frac{200}{0,51} = 392 \text{ кг}$$

Йирик түлдирувчилар сарфи (шагал, чақиртош) қуидаги формула орқали топилади, кг:

$$III = \frac{1000}{\alpha \cdot \frac{\Pi_{uu}}{\rho_{mu}} + \frac{1}{\rho_{uu}}} \quad (2,9)$$

Бу ерда  $\Pi_{uu}$ -шагалнинг ғоваклиги, % (2,3) формула орқали топилади,  $\rho_{mu}$  ва  $\rho_{uu}$ -шагалнинг уйма ва ҳақиқий зичликлари,  $\alpha$ -шагал доналарининг қоришина орасида силжиш коэффициенти. У пластик бетонлар учун жадвал 4 (иловадаги) олинади, қаттиқ бетон қоришишлар учун цемент сарфи  $400 \text{ кг}/\text{м}^3$  кам бўлганда  $\alpha=1,05\dots1,15$  га teng.

Шагал сарфини ҳисоблаймиз:

$$III = \frac{1000}{\alpha \cdot \frac{\Pi_{uu}}{\rho_{mu}} + \frac{1}{\rho_{uu}}} = \frac{1000}{1.4 \cdot \frac{0,43}{1.6} + \frac{1}{2.8}} = 1364 \text{ кг}$$

Майдада түлдирувчилар сарфи (кум ва х.к.) қуидаги формула орқали топилади, кг:

$$K = \left[ 1000 - \left( \frac{\Pi}{\rho_u} + C + \frac{III}{\rho_{uu}} \right) \right] \cdot \rho_k \quad (2,10)$$

Бу ерда  $\Pi$ ,  $C$ ,  $III$ -цемент, сув ва шагал сарфи;  $\rho_u$ ,  $\rho_{uu}$ ,  $\rho_k$  – цемент, шагал ва кумнинг ҳақиқий зичлиги.

Кум сарфини ҳисоблаймиз:

$$K = \left[ 1000 - \left( \frac{\Pi}{\rho_u} + C + \frac{III}{\rho_{uu}} \right) \right] \cdot \rho_k = \left[ 1000 - \left( \frac{392}{3,15} + 200 + \frac{1362}{2,8} \right) \right] \cdot 2,57 = 484 \text{ кг}$$

$1\text{м}^3$  бетон қориши маси учун сарф қилинадиган ашёларнинг ҳисобий миқдори:  $K=\Pi+C+III+K=392+200+1364+484=2440 \text{ кг}/\text{м}^3 \approx 2400 \text{ кг}/\text{м}^3$ .

Аниқланган  $\frac{C}{\Pi} = 0,51$  бўлганда  $\frac{\Pi}{C} = \frac{1}{0,51} = 1.96$ .  $A=0,65$ -юқори сифатли түлдирувчилар учун.

У ҳолда  $R_b=0,65 \cdot 500 \cdot (1.96-0,5)=438 \text{ кгс}/\text{см}^2=43,8 \text{ МПа}$ .

Ҳисоблаб топилган таркиблар бўйича бетоннинг мустаҳкамлиги топшириқдаги берилган бетоннинг мустаҳкамлигига жуда яқин. Баъзи ҳолларда биринчи уринишда бу фарқ анча катта бўлиши мумкин. Шу сабали  $\frac{C}{\Pi}$  нисбатини бир неча қийматларига ўзгартириб, бетоннинг мустаҳкамлиги текшириб кўрилади:


$$\frac{C}{\Pi} = 0,49, \quad \frac{\Pi}{C} = \frac{1}{0,49} = 2.04$$

$$R_b=0,65 \cdot 500 \cdot (2.04-0,5)=462 \text{ кгс}/\text{см}^2=46,2 \text{ МПа}.$$

$$\frac{C}{\Pi} = 0,53; \quad \frac{\Pi}{C} = \frac{1}{0,53} = 1.88$$

$$R_b = 0,65 \cdot 500 \cdot (1,88 - 0,5) = 414 \text{ кгс/см}^2 = 41,4 \text{ МПа.}$$

Топилган қийматлар бўйича  $R_b = \left( \frac{C}{Ц} \right)$  графиги курилади. Графикдан фойдаланиб бетоннинг берилган мустаҳкамлигига мос келувчи  $\frac{C}{Ц}$  нисбати топилади. Бу қиймат бизнинг мисолимизда  $\frac{C}{Ц} = 0,509 \approx 0,51$  га teng. (3-расм). Демак синфи В35 (500 маркали) бетон олиш учун  $\frac{C}{Ц}$  нисбати  $\frac{C}{Ц} = 0,51$  бўлиши керак.



0 0,35 0,40 0,45 0,50 0,55 0,60 0,65 С/Ц  
 3-расм. Бетон мустаҳкамлигининг С/Ц нисбатига боғлиқлиги графиги.

## **1.5. Корхонанинг иш режимини асослаш**

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қомусига асосан ишчи ва хизматчиларнинг ҳафталик иш вақти 41 соатдан ошмаслиги керак. Ишчи ва хизматчилар учун кечаси ишлаш вақти қисқартирилган. Шу билан бирга ҳафтада дам олиш кунлари ва маош тўланадиган меҳнат таътили жорий қилинган.

Корхонадаги технологик жараёнларни ва ишчилар сонини түғри ҳисоблаш учун цехнинг иш режимини танлаш керак. Цехнинг иш режими йиллик иш суткалар сони ва суткалик смена сони билан тавсифланади (белгиланади). Йиғма бетон ва темирбетон буюмлари ва қурилмалари ишлаб чиқарувчи корхоналар, завод ва комбинатларда иш суткалари қуйидагича қабул қилинади:

- ҳисобий йиллик иш суткаси – 262;
  - темир йўл транспорти билан хом ашё ва маҳсулотларни ташиш – 365;
  - суткалик иш смена сони (иссиқлик билан ишлов берилмайдиган бўлса)–2;
  - иссиқлик билан ишлов бериладиган бўлса – 3;

Хом ашё ва тайёр маҳсулотларни қабул қилиш ва жўнатиш жараёнидаги суткалик смена сони;

- темир йўл транспорти билан – 3;
- автомобиль транспорти билан – 2;

Асосий технологик ускуна ва жиҳозлар учун ишлаб чиқаришнинг агрегат поток, конвейер, кассета ва стенд усувлар қўлланилганда йиллик иш фонди вақти қўйидагича ҳисобланади:

$$C = K_{\phi} \cdot N_n$$

Бу ерда  $K_{\phi}$ -технологик ускуналардан фойдаланиш коэффициенти,  $K_{\phi}=0,94$ .  $N_n$ -бир йиллик иш кунлари, сони,  $N_n=262$ ;

Лойиҳаланаётган корхонанинг иш ҳафтаси беш кунлик бўлсин. Унда икки сменадаги иш соатлари 16 с ва уч сменадаги иш соатлари 23 с бўлади. Аниқланган иш режимлари бўйича маълумотларни жадвал 1.2. га киритамиз.

### Корхонанинг иш режими

Жадвал 1.2

№	Асосий цехлар	Бир йилдаги кунлар сони	Сутка-даги смена лар сони	Смена да-ги иш соатлари	Йиллик фонд иш вақти, соат	Коэффициент, $K_{\phi}$	Ҳисобий йиллик фонд иш вақти, соат
1	Бетон қориши цехи	262	3	8+8+7	23x262=6026	0,943	6026x0,94=5682
2	Арматура цехи	262	3	8+8+7	6026	0,943	5682
3	Қувиш цехи	262	3	8+8+7	6026	0,943	5682
4	Иссиқлик билан ишлов бериш камераси	262	3	23	6026	0,943	5682

## 1.6. Хом ашёлар сарфини ҳисоблаш.

Цехнинг қабул қилинган иш режмига асосан технологик жараёнини лойиҳалаш учун топшириқда берилган қийматлар асосида ҳар бир компонентларнинг йиллик, қунлик, сменалик ва бир соатлик талабий сарфини ҳисоблаймиз. Бунда бетон аралашмасини тайёрлаш вақтида 0,5%, уни буюмларга қуиши пайтида 1% камайиши эътиборга олинади ва ҳисоблаш қуидаги формула ёрдамида бажарилади:

$$G = \Pi \cdot G_1 / \left( 1 - \frac{B}{100} \right)$$

Бу ерда  $\Pi$ -цехнинг (корхонанинг) йиллик унумдорлиги,  $m^3$ ;

$G_1$ - $1m^3$  бетонга сарф қилинадиган ашё сарфи, т.

$B=0,5+1=1,5\%$  бетонни тайёрлаш ва буюмга қуиши жараёнидаги камайиши.

Цементнинг йиллик сарфи, ( $1,5 \times 6,4$  том плитаси учун) юкоридаги формулага (1.2) асосан:

$$\Pi = 17000 \cdot 0,392 / \left( 1 - \frac{1,5}{100} \right) = 6595 \text{ т}$$

Қолган компонентларнинг йиллик сарфи, худди юкоридагидек ҳисобланади. Ҳисоблаш натижалари жадвал 1.3. да келтирилган.

### Хом ашё материалларнинг сарфи

Жадвал 1.3

№	Хом ашёларнингноми	Ўлчов бирлиги	Сарфи, т			
			Бир соатлик	Бир сменалик	Бир қунлик	Бир йиллик
1	Цемент	т	1.04	8.3	25.1	6594
2	Қум	т	1.2	10.3	30.9	8104
3	Шағал	т	3.6	29.03	87.1	22840
4	Сув	т	0.53	4.2	12.7	3349
5	Полат	т	0,2	1.6	5	1309

## 1.7. Корхонанинг (цехнинг) ишлаб чиқариш дастури

Цехнинг қабул қилинган иш режимига асосан буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар учун ишлаб чиқариш дастурини аниқлаймиз. Бунда буюмларни ишлаб чиқариш технологик жараённида содир бўлиши мумкин бўлган сифатсиз маҳсулот ва уларнинг камайиши эътиборга олиниши шарт.

Уларнинг миқдори қуидагича қабул қилинади:

-бетон ва темир-бетон буюмлари корхоналари учун бетон қоришмаси бўйича  $-0,5\%$ , буюмлар бўйича  $-1,0\%$ .

Сифати бузилган маҳсулотлар асосидаги йўқолишларни эътиборга олиш, корхонанинг (цехнинг) унумдорлигини берилган топшириқ асосида аниқ бажариш имконини беради. Умумий йўқолишлар алоҳида сифатсиз маҳсулотлар ва йўқолишларнинг йиғиндинсига teng бўлади. Ҳар бир

технологик чегара (буюм) учун унумдорлик қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{бетон хажми} \quad G = \Pi \cdot / \left( 1 - \frac{B}{100} \right) \quad (1.3)$$

$$\text{буюмлар сони} \quad G = \Pi : V_1 / \left( 1 - \frac{B}{100} \right) \quad (1.4)$$

Бу ерда  $\Pi$ -корхонанинг (цехнинг) йиллик унумдорлиги,  $m^3$ ;  $B$ -ишлаб чиқаришнинг камайиши, % (сифатсиз маҳсулотлар);  $V_1$  – буюм бетонининг хажми,  $m^3$ .

Тўлдирувчиларни сақлаш омборидаги эҳтиёж ашёлар миқдори автомобил транспорти билан ташиб келтирилганда 4...6 ҳисобий иш суткасига, темирйўл транспорти билан ташилганда эса 6...9 ҳисобий иш суткасига сарфлашга этиши керак. Цементнинг омбордаги эҳтиёж миқдори 6...9, пўлат арматуранинг эҳтиёж миқдори 18...26 ҳисобий иш суткасига сарфлашга этиши керак.

Топшириқда берилган унумдорлик бўйича цехда ишлаб чиқариладиган буюмлар сони ва бетон сарфини ҳисоблаймиз:

-бетоннинг йиллик сарфи (Пойдевор  $Fm$  1 учун), юкоридаги (1.3) формулага асосан:

$$V = 17000 \cdot / \left( 1 - \frac{0,5}{100} \right) = 17085 m^3$$

Колган буюмлар учун хам уларнинг йиллик бетон сарфи ва сони юкоридагидек аниқланади. Ҳисоблашлар натижалари жадвал 1.4 да келтирилган.

### Цехнинг (корхонанинг) ишлаб чиқариш унумдорлиги

Жадвал 1.9

№	Буюмнинг хили ва маркаси	Аниқла н-ган миқдор	Ўлчов бирлиг и	Брак лар	Унумдорлик			
					Йиллик	кунлик	Смена- лик	Соат- лик
1	Лоток ариқ ости балка	бетон	$m^3$	0,5	20085	65	22	2.75
2	Лоток ариқ	буюм	дона	1,0	49062	187	62	7.75

Эслатма: 1. Корхонанинг тўлиқ ишлаб чиқариш унумдорлигини ҳисоблашда жадвалга ишлаб чиқариладиган буюмларнинг ҳаммаси киритилади.

2. Жадвалнинг қолган графалари бир йиллик қийматларни 262 кунга, 2 смена ва 8 соатга бўлиб топилади.

### **3. ТЕХНОЛОГИК ЛИНИЯЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ**

#### **2.2. Технологик ускуналарни танлаш**

Технологик ускуналарга асосан қуишиң цехидаги машина ва механизмлар (бетонқүйгіч ва бетонни зичловчи механизмлар, кранлар, арматура маҳсулотларини қайта ишловчи станоклар, титратгичлар ва х.к.) киради. Ускуналарни танлашда энг кейинги ишлаб чиқарылған ва максимал механизацияластирилганини танлаш ишлаб чиқариш унумдорлигин ошириш имконини беради. Бундан ташқары ускуна ва жиҳозларни танлаш хом ашё сифатига ва хилига ҳамда буюмнинг тавсифига боғлиқ бўлади. Кўлланиладиган машина ва механизмларни танлашда уларнинг сони, унумдорлиги ва бошқа технологик тавсифлари аниқланади, ёки маҳсус норматив хужжатлардан, жадваллардан қабул қилинади.

Талаб қилинадиган машина ва ускуналар сони қуидағи формула орқали аниқланади:

$$N_M = \frac{P_1}{\Pi_M \cdot K_n} \quad (2.1)$$

Бу ерда  $P_1$ -цехнинг (линиянинг) бир соатлик унумдорлиги;

$\Pi_M$ -танланган машинанинг (ускунанинг) паспорти бўйича бир соатлик унумдорлиги;

$K_n$ -жиҳозлардан фойдаланиш норматив коэффициенти,  $K_n=0,85$ . Агар танланган машина ёки ускунанинг бир соатлик унумдорлиги цехнинг талаб қилинадиган бир соатлик унумдорлигидан кўп бўлса у холда машиналар (ускуналар) сони эмас балким улардан фойдаланиш коэффициенти аниқланади:

$$K_n = \frac{P_1}{\Pi_M} \quad (2.2)$$

Куишиң цехининг хом ашёлар эхтиёжига асосан агрегат-поток усулида бўлган латок ишлаб чиқариш бир соатлик арматурага бўлган талаб 0,17 т/соат. Арматураларни тўғриловчи ва қирқувчи станокнинг иш унумдорлиги 0,33т/соат. Демак маркаси И-6118 станок танлаймиз. Сони бир дона (0,33т/соат>0,31т/соат).

Плитага стержен шаклидаги арматура механизм усулда таранглаштирилиб ўрнатилади. Демак маркаси, СМЖ-82 бўлган иккита домкрат танлаймиз (ҳар қайси бўйлама қовурғасига биттадан домкрат ўрнатилади). Арматура, тўр ясаш учун маркаси МТП-809 бўлган битта, станок танлаймиз. Станокни танлашда тўрнинг эни буюмнинг энидан катта бўлиб, кетмаслиги шунингдек шу тўр учун ишлатиладиган бўйлама ва кўндаланг арматураларнинг диаметри лойиҳада берилганидан четланмаслиги керак. Плитанинг бўйлама ва кўндаланг қовурғаларига ўрнатиладиган синчларни пайвандлаб ясаш учун маркаси МС-02 бўлган бир дона станок танлаймиз. Станокни танлашда синчнинг бўйлама арматураси диаметри ҳисобига олинади.

Қуишиң цехининг бир соатлик бетонга бўлган талаби (эҳтиёжи)  $3,5\text{m}^3/\text{соат}$ . Демак маркаси С-356 бўлган бетонқоригич танлаймиз. Унинг паспорти бўйича унумдорлиги  $\Pi_m=21\text{m}^3/\text{соат}$ . У холда бетонқоригич сони формулга асосан

$$N_m = \frac{P_1}{\Pi_m \cdot K_n} = \frac{2,75}{21 \cdot 0,85} = 0,36 \approx 1 \text{ дона қабул киламиз}$$

Бетон қоришини қолипларга қуиши учун маркаси ЭМ-44 бўлган 1 дона бетонқоригич танлаймиз (унумдорлиги  $20 \text{ m}^3/\text{соат}$ ). Бетон қоришини бетонқоригич комбайнга узатиш учун маркаси ТК-11 бўлган лентасимон бетонузатгич қабул қиламиз. Қолипланган бетонни зичлаш учун маркаси СМЖ-200В бўлган титратмамайдонча қабул қиламиз (қолипнинг бетон билан биргаликдаги оғирлигини эътиборга олган ҳолда). Шунингдек, буюм юзасини текислаш учун маркаси ПВ-1 бўлган текис титратгич ва маркаси бўлган титратмарейка танлаймиз (буюмнинг эни асосида). Қолипни буюм билан биргаликда горизонтал ёки тик вазиятга келтирувчи мосламани қабул қиламиз (маркаси СМЖ-367, юк қўтариш қобилияти 14т). Шунингдек, цех ичидаги буюмларни ташиш учун ўзиорар тележка, юк қўтарувчи кран ва тайёр буюмлар сифатини назорат қилувчи стенд ускунасини (буюмларнинг оғирлиги ва габарит ўлчамларини эътиборга олган ҳолда) танлаймиз.

Конвойер, кассета ва стенд усуллари учун ҳам ишлатиладиган станоклар ва жиҳозлар юқоридагидек танланади, Бунда буюмнинг арматураланиши тавсифи, оғирлиги, ўлчамлари ва қолип хиллари эътиборга олинади.

Танланган жиҳозларнинг асосий тавсифлари жадвалларга киритилади.

### 3.1.1. Арматурани тўғриловчи ва қирқувчи станокнинг иш унумдорлигини аниқлаш.

кувур узунлиги  $l=2,5 \text{ м}$ , у холда арматуранинг узунлиги  $l_0=l-2\delta=2500-2\cdot20=2460 \text{ мм}$ .

20 мм-бетоннинг ҳимоя қатлами. Арматуранинг диаметри  $d=20\text{мм}$ , ролик диаметри  $D=150 \text{ мм}$ , айланиш частотаси  $n=2,13\text{c}^{-1}$ , кесиш вақти  $t=0,1\text{с}$ . Арматурани тўғриловчи ва қирқувчи станокларнинг иш унумдорлиги қуидаги формула орқали топилади:

$$\Pi = \frac{3,6 \cdot \pi \cdot D \cdot n \cdot n_1 \cdot q \cdot K_n \cdot K_u}{(n_1 + c)} \quad (2,32)$$

$$n_1 = \frac{l_0}{\pi \cdot D}; \quad C = n \cdot t_p; \quad q = \frac{\pi \cdot D^2}{4} \cdot \rho \quad (2,33)$$

бу ерда  $D$  ролик диаметри,  $\text{мм}$ ,  $n$ -тортувчи роликлар айланиш частотаси  $C^{-1}$ ,  $n_1$ -тортувчи роликлар айланишлари сони;  $l_0$ -қирқиладиган стержень узунлиги,  $\text{м}$ ,  $C$ -тортувчи роликларнинг арматурани кесиш пайтидаги айланишлар сони;  $t_p$ -қирқиш вақти,  $\text{с}$ ;  $q$ -узунлиги  $1\text{м}$  арматура массаси  $\text{кгс}/\text{м}$ ;  $\rho$ -арматуранинг зичлиги,  $\text{кгс}/\text{м}^3$ ;  $K_n=0,98\dots0,98$ -тортувчи роликлар силжишини ҳисобга олувчи коэффициент;  $K_u=0,75\dots0,85$ -вақт бўйича

станокдан фойдаланиш коэффициенти. Арматуранинг 1м узунлигининг оғирлиги:  $q = \left( \frac{\pi \cdot d^2}{4} \right) \cdot \rho = \left( \frac{3,14 \cdot 0,0020^2}{4} \right) \cdot 7,85 \cdot 10^3 = 0,27 \frac{\text{кг}}{\text{м}}$

Арматурани кесиш пайтида тортувчи роликларнинг айланишлари сони  $C = n \cdot t_p = 2,13 \cdot 0,1 = 0,213$

$$\text{Тортувчи роликлар айланишлари сони } n_1 = \frac{l_0}{\pi \cdot D} = \frac{11.960}{3,14 \cdot 0,15} = 25.39 \approx 25$$

#### Станокнинг иш унумдорлиги

$$P = \frac{3,6 \cdot \pi \cdot D \cdot n \cdot n_1 \cdot q \cdot K_n \cdot K_u}{n_1 + c} = 25 \frac{3,6 \cdot 3,14 \cdot 0,15 \cdot 2,13 \cdot 0,222 \cdot 0,965 \cdot 0,8}{13 + 0,213} = 0,61 \text{ м/с} \text{ Тугриловчи}$$

барабаннинг айланиш частотаси ( $\text{с}^{-1}$ ) қўйидагича топилади:  $n_6 = \frac{K \cdot V_n \cdot \sigma_{0,2}}{d}$   
(2,34)

Бу ерда  $V$ -пўлат арматурани узайиш тезлиги, м/с;  $K$ -коэффициент,  $K=0,5\dots0,8$ . У холда (2,34) формулага асосан

$$n_6 = \frac{K \cdot V_n \cdot \sigma_{0,2}}{d} = \frac{0,7 \cdot 0,82 \cdot 400}{20} = 22,5 \text{ с}^{-1}$$

Буюмларни қолиплаш жараёнида ишлатиладиган ускуналарнинг асосий тавсифлари

Жадвал 2.2

Асосий тавсифлари	Бетонқори гич СБ- 31	Бетон қуйич ЛБУ-20	Бетон узатгич ТК-11,	Титратм амай-	Текис тиратги ч ПВ-1 ,	Титратм арейка СО-132А , 1 дона
Бетонқоригич ҳажми, л	250	-	-	-	-	-
Унумдорлиги, м <sup>3</sup> /соат	4,5	20	35,0			120,0
Бункерининг ҳажми, м <sup>3</sup>	-	2,4				
Харакатланиш тезлиги, м/мин		12,0	96			
Юқ кўтариш қобилияти, т			15,0			
Бетонланадиган юза эни, м						3,0
Тебранишлар частотаси, мин <sup>-1</sup>	-	-	-	45÷5 0	5800	2850
Моторининг қуввати, кВт	1			88	2x1,1	-
Габарит ўлчамлари, мм узунлиги, эни баландлиги	- - -	16400 2900 3950	10570 1460 1600	1026 0 2940 685	- - -	3300 430 285
Оғирлиги, кг		12500	960	6000	150	65

Тайёр буюмларни ташувчи ва техник кўриқдан ўтказувчи ускуналарнинг  
асосий тавсифлари

Жадвал 2.3.

Асосий тавсифлари	Қолип кўтаргич СМЖ-367 1 дона	Ўзиюрар тележка СМЖ- 216А 1 дона	Кўприк кран К-15/3 2 дона	Синов стенди СМЖ- 262А 1 дона
Юк кўтариш қобилияти, т	14	10	15/3	10÷15
Харакатланиш тезлиги, м/мин	-	35	80	-
Ғилдираклари орасидаги масофа, мм	3340	1524		
Габарит ўлчамлари, мм	2400 1540 1540 110	9000 2500 1800 5850	- 6300 2300 -	7830 3840 2380 7500

Кўшимча мосламалар, ускуна ва жиҳозларнинг ведомости

Жадвал 2.4.

т/р	Жиҳозларнинг номи	сони	Изоҳ
1	Қолип бортларини очувчи ва йигувчи мосламалар	1-комплект	Агрегат-поток, конвейер ва стенд усуллари учун
2	Пайвандловчи трансформатор ТД- 500	2	Хамма усуллар учун
3	Қолипловчи ускуна СМЖ-2104	1	Хамма усуллар учун
4	Қолипларни тозаловчи ва мойловчи ускуна СМЖ-342	1	Хамма усуллар учун
5	Строп-4 арқонли (юк кўтариш қобилияти Q=5, 10, 1, 20, 30, 50т)	2	Буюмларни кран ёрдамида кўтариш-тушириш учун
6	Буюмларни вақтингчалик тахловчи секциялар	4	Хамма усуллар учун
7	Қўлда ишлатиладиган асбоблар (лом, лопатка, болта, чўтка, аппа, рулетка, челак ва х.к)	1-комплект	Хамма усуллар учун
8	Чиқиндилар бункери	2	Хамма усуллар учун

## **2.2. Цехдаги линиянинг технологик жараёнини ташкил этиш**

Технологик жараёнлар асосий ва ёрдамчи қисмларга бўлинади. Асосий жараёнларда иш предметлари ўзининг кўриниши, шакли ва ўлчамларини ўзгартиради (яъни, хом ашёлардан қоришма ва тўрлар, синчлар, улардан буюмлар тайёрланади). Қўшимча жараёнларда хом ашёлар ва буюмлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилади, тахланади ва х.к.

Технологик жараённинг асосий тавсифи-бу алоҳида циклнинг бажарилиши ва унинг бажарилиши жараёнида буюмнинг бир постдан иккинчи постга силжиб боришидир. Алоҳида цикл-бу алоҳида технологик жараёнларнинг маълум иш жойида бажарилишидадир (қолипларни тайёрлаш цикли, арматуралаш хили, қуиши цикли ва х.к.). Алоҳида цикллар йиғиндисидан технологик цикл вужудга келади.

Алоҳида циклларнинг тўлиқ вақти давомийлиги қуидаги формула асосида хисобланади:

$$T_3 = T_0 \cdot \left(1 + \frac{D}{100}\right) \quad (2.3)$$

бу ерда—  $T_3$  асосий ва қўшимча жараёнлар вақти йиғиндиси, мин;  $D$ — қўшимча вақт сарфи,  $T_0$  нисбатан фоиз ҳисобида.

Алоҳида циклларнинг тўлиқ вақти ҳамма жараёнларни бажариш учун кетган вақтларга ҳамма вақт ҳам тенг бўлавермайди, чунки баъзи жараёнлар бир вақтда параллел бажарилиши мумкин.

Йиғма темирбетон корхоналарида элементар цикллар кетма-кет келувчи механизациялашган ва қўлда бажариладиган жараёнлардан иборат бўлади. Шу сабабли машина ва механизмлар ҳамда звено ишчилари орасида умумий боғланиш бўлиши керак. Ҳисоблашлар қуидагича кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Постларнинг технологик ҳисобий схемасини ишлаб чиқиши.
2. Алоҳида цикллардаги жараёнларнинг бажарилаш вақтини тасдиқлаш.
3. Ҳисоблаш параметрларини аниқлаш.

Постларнинг технологик ҳисобий схемаси алоҳида циклларни бажариш учун керак бўладиган ускуналар ва ишлаб чиқариш объектларини билдиради. Шу сабабли постларнинг схемасини ишлаб чиқишида ундаги жиҳозларнинг рационал жойланишига алоҳида эътибор берилиши керак. Асосий ва қўшимча жараёнларнинг параллел бажарилшини таъминлаш лозим. Яъни, бетонқуйгичнинг бўш юриши камроқ бўлиши, арматурани тарангловчи қурилмалар буюмни арматуралаш постидан узоқ бўлмаслиги керак ва х.к. Ҳисоблаш параметрларига қуидагилар киради: иш ҳажми, машиналарнинг ишлаш ва бўш юриш масофалари, технологик режимлар, қўлда бажариладиган ишлар ва ишларнинг вақт меъёри, ишлаб чиқарилган буюмнинг юқорига ёки ён томонига силжитилиши вақти.


Алоҳида циклларнинг давом этиш вақтини аниқлаш учун циклограмма қурилади. Циклограммада алоҳида жараёнларнинг бажарилаш вақти аниқ топилади. Циклограммани қуиш учун олдин постларнинг схемаси

жойлаштирилади. Циклограммада ордината ўқи бўйича вақт минутларда, абцисса ўқи бўйича масофа метрларда белгиланади. Циклограммада машина ва механизмлар, ишчилар, шунингдек қолипнинг буюм билан биргаликдаги ишлаш жараёни ва ҳаракатланиш нуқталар ва чизиқлар билан белгиланади.

Абцисса ўқидаги ҳар қандай чизиқнинг проекцияси машина қанча масофага ҳаракатланганини билдиради. Агар чизик абцисса ўқида бир нуқтага проекцияланса, демак машина биронта жараённи ҳаракатланмасдан бажармоқда, ёки жараён қўлда ишчилар ёрдамида бир жойда бажарилаётганини билдиради.

Ордината ўқидаги ҳар қандай чизиқнинг проекцияси кейинги жараённи бажариш учун кетган вақтни билдиради. Циклограммадаги линиялар ордината ўқига нисбатан α бурчакга оғган бўлади. Бурчак қанча кичик бўлса, машинанинг шу масофани босиб ўтиш вақти шунча кўп бўлади. Машинанинг ҳаракатланиш тезлиги циклограммада бурчак α и нинг тангенси орқали белгиланади,  $\text{tg}\alpha = l/t = V$ .

Мисол учун, бетонқуйгичнинг ишлаш циклограммаси қуидагича курилади: (2.1 расм).



**2.1 расм. Бетон қуйгичнинг ишлаш схемаси.**

Схема бўйича бетонқуйгичнинг вазияти қуидагича:

I-бетон қоришимаси юкланган вақт; II-қолипга бетон қоришимасини қуишидан олдинги вазият; III-бетонқуйгичнинг қолипга бетонни қуиб ўтганидан кейинги вазият. I, II, III-вазиятдаги нуқталардан абцисса ўқига перпендикулярлар туширилади ва бетонқуйгичнинг ҳаракатланиш масофалари аниқланади. Жараёнларнинг аналитик ҳисоблашлар асосида топилган бажарилиши вақтлари ордината ўқи бўйича жойлаштирилади. Ордината ўқидаги ҳар бир жараённинг бошланиш ва тамом бўлиш вақтлари нуқталаридан перпендикулярлар ўтказилиб, абцисса ўқига ўтказилган перпендикулярларда кесишган керакли нуқталар топилади ва х.к. Демак,

цтклограмманинг “а-б” участкасида бетонқүйгичга бетон қоришмасини юклаш вақти күрсатилған (1-мин); “б-в” бетонқүйгичнинг қолипга силжиб келиши (масофа 5м, ҳаракатланиш вақти 1 мин,  $t_{ga_1}=5$  м/мин-транспорт тезлиги); “в-г” бетонқүйгичнинг ишлаб турғандаги ҳаракати; “г-д”- бетонқүйгичнинг қоришмани қўйиш ва уни жойлаштиришдаги туриб қолган вақти; “д-е”-бетонқүйгичнинг олдинги I-вазиятга қайтиши.


Технологик жараёнларни бажарувчи исталған машина ва механизмларнинг ишлаш циклограммаси юқоридагидек тартибда қурилади.

## 2.4. Агрегат-поток усули

Темирбетон буюмларини ишлаб чиқаришда агрегат-поток усули кенг қўлланилади. Умумий технологик жараён алоҳида операциялардан ташкил топади. Қолипларга арматура тўр ва синчлари ҳамда бетон қоришмасини жойлаштириш ва зичлаш бир технологик постда, буюмларни қотириш эса маҳсус иссиқлик агрегатларида (буғ камераларида ёки автоклавларда) бажарилади.

Агрегат-поток линиясида асосан қолипларни очиш ва тайёрлаш, қолипларни бетонлаш ва зичлаш, буюмларни олдиндан ушлаб туриш ҳамда иссиқлик билан қотириш камераси (одатда чуқурлик буғлаш камераси ишлатилади) постлари жойлашади. Қолипларга арматура жойлаш, уларни тозалаш, мойлаш, техник назоратдан ўтказиш каби қўшимча ишлар бажариладиган постлар ҳам шу линияга жойлаштирилади. Постлар технологик жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмайди ва хар қайси постнинг иш ритми 8...16 мин.атрофида бўлади. Буюмлар бир постдан иккинчи постга осма ёки кўприк кран ёрдамида силжитилади.

Агрегат поток усулининг технологик линиясига қўйидагилар киради: қолипловчи агрегат (бетонқўйгич билан биргаликда), арматура, тўр ва синчларни тайёрловчи ҳамда арматурани тарангловчи станоклар, қолипўрнатгич, иссиқлик билан қотириш камераси, қолипларни бўшатиш, буюмни совутиш ва техник назорат қилиш участкалари, шунингдек қолипларни тозалаш, мойлаш ва арматуралаш постлари, тайёр буюмлар сифатини назорат қилувчи стенд ва х.к. киради. Агрегат-поток линиясининг технологик схемаси қўйидагича:



Элементар цикларнинг давом этиши вақтими қабул қилингандык машина ва ускуналарнинг тавсифлари ҳамда күлдә бажариладиган жараёнлар тавсифлари орқали ҳисоблаймиз.

Плитани агрегат-поток усулида тайёрлашда постларнинг ҳисобий иш цикли 15 мин.бўлсин [2.6]. Камерада иссиқлик билан қотириш цикли 11с (жад.1.илова 2), иссиқлик микдори 80...90:С. Линиянинг йиллик унумдорлиги чиқариладиган буюмнинг хили, буюмни қуиши режими ва қуиши постининг ишлаш вақти асосида қуидагича ҳисобланади:

$$P = \frac{60 \cdot C \cdot B \cdot V}{T_u} \quad (2.4)$$

Бу ерда  $C=262 \cdot 0,943=247$  йилдаги ҳисобий иш кунлари (жадвал 1.2),  $B=23$  сутка давомидаги иш соатлари,  $V=0,35 \text{ м}^3$  буюм бетони ҳажми, (маркаси-2.5x0,6м кувур учун),  $T_u=12$  мин.постларнинг ҳисобий иш цикли. Унда (2.4) га асосан:  $P = \frac{60 \cdot 350 \cdot 23 \cdot 0,35}{12} = 14087 \text{ м}^3$

Берилган унумдорликни таъминлаш учун қуювчи постлар сони:

$$n = \frac{P}{P} = \frac{17000}{14087} \approx 1 \text{ дона қабул қиласиз}$$

Демак битта қуювчи пост етарли бўлади. ( $P=17000 \text{ м}^3$  цехнинг йиллик иш унумдорлиги).

Алоҳида элементар цикларнинг бажарилиши вақтлари ва кетма-кетлиги қуида келтирилган (жадвал 2.5).

**Агрегат-поток усулида элементар цикларнинг бажарилиш вақтлари**

**Жадвал 2.5.**

№	Жараёнларнинг бажарилиши кетма-кетлиги	Механизмнинг юриш масофаси , м	Механизмнинг тезлиги, м/мин	Хисобий машина ёки ишчи вакти,	Ишнинг хажми, жарабёнлар бўйича	Жараённинг давом этиш вакти, мин
1	2	3	4	5	6	7
1	Қолипни очиш, тозалаш ва мойлаш	-	-	3x3	1-қолип.	9
2	Қолип бортларини ёпиш	-	-	5	1-қолип.	5
3	Қолипга арматураларни жойлаштириш	-	-	5x2	1-буюм	10
4	Бетонқуйгични бетон билан юклаш	-	10	1	1,2м <sup>3</sup>	1
5	Бетонқуйгичнинг қуиши постига силжиши	10	10	1	1,2м <sup>3</sup>	1
6	Қолипни титратмамайдон-чага ўрнатиш: а) қолипни кран ёрдамида қолипўрангичга қуиши б) қолипнинг титратмамайдончага қуилиши <b>Жами:</b>	5 6	5 6	1 1	1-қолип 1-қолип	1 1
7	Бетон қориши масини қуиши ва зичлаш: а) биринчи қатлам бетонни қуиши б) қолипни титратиш в) иккинчи қатлам бетонни қуиши г) қолипни титратиш д) зичловчи юкни кран ёрдамида ўрнатиш е) юк ёрдамида қўшимча зичлаш ж) зичловчи юкни олиш з) буюм юзасини силликлаш <b>Жами:</b>	12 - 12 - 6 - 6 12	12 - 12 - 6 - 6 4	1 1 1 1 1 1 1 3	0,6м <sup>3</sup> 0,6м <sup>3</sup> 0,6м <sup>3</sup> 1,2м <sup>3</sup> 1-юк 1,2м <sup>3</sup> 1-юк 1-буюм	1 1 1 1 1 3 1 3
8	Бетонқуйгичнинг олдинги вазиятга қайтиши	10	20	1	-	1
9	Бетонланган қолипни кран ёрдамида иссиқлик каме-расига ўрнатиш ва камера-дан қолипни чикариб олиш: а) қолипни камерага келтириш б) қолипни камерага тушириш в) камерадан тайёр бўлган	40	20	1	1-қолип	1

	буюмни чиқариш г)краннинг қолипни қолипларни очиш ва тозалаш постига келтириши д)қолипни тушириш <b>Жами:</b>	4 4 15 4	4 4 20 8	0,5 1 0,5 0,5	1-қолип 1-қолип 1-қолип 1-қолип	0,5 1 0,5 <b>3,5</b>
10	Қолипни кран ёрдамида бетонлаш постига келтириш: а) тозаланган ва мойланган қолипни күтариш б) қолипнинг арматуралаш постига келтирилиши, в) қолипни тушириш ва янги арматураланган қолипни олиши, г)краннинг қолип билан қолипўрнатгичга келиши <b>Жами:</b>	4 40 6 10	8 25 4 20	0,5 1,5 1,5 0,5	1-қолип 1-қолип 1-қолип 1-қолип	0,5 1,5 1,5 0,5 <b>4,0</b>
11	Буюмларни техник назорат қилиш, постига келтириш ва ундан омборга жўнатиш: а)краннинг қолипларни очиш постига келиши, б)буюмни күтариш, в)буюмни техник назорат қилиш постига келтириш, г)буюмни тушириш, д) назоратдан ўтган буюмни күтариш, е)буюмнинг юк ташувчи тележкага келтирилиши, з)буюмни тележкага юклаш, к)краннинг орқага қайтиши <b>Жами:</b>	20 4 15 4 4 15 4 15	40 8 30 8 8 30 4 40	0,5 0,5 0,5 0,5 0,5 0,5 1,0 0,5	1-буюм 1-буюм 1-буюм 1-буюм 1-буюм 1-буюм 1-буюм -	0,5 0,5 0,5 0,5 0,5 0,5 1,0 0,5 <b>4,5</b>


**Жараёнларнинг тўлиқ бажарилиш вақти**

**Σ 52 мин**

Алоҳида циклларнинг бажарилиш вақтлари асосида машина ва механизмларнинг ишлаш циклограммаси қурилади. Куйиш постида технологик жараёнларнинг бажарилиши кўйидагича (2.2-расм).

Смена иш бошлашдан 10...15 мин.олдин биринчи кран бетонлаш учун тайёрланган қолипни қолипўрнатгичга ўрнатади. Қолипўрнатгичга эса қолипни куйиш постига ўрнатади (циклограммада „К” чизик), Шунга параллел ҳолда бетонқўйгич бетон билан юкланди ва қолип томонга ҳаракатланиб келиб, биринчи катлам бетонни қуйиб ўтади ( $B_2-B_3$  чизик). Шундан сўнг титратмамайдонча ишлатилиб, қуйилган бетон зичлантирилади ( $T_1-T_2$  чизик). Кейин эса бетонқўйгич қолган бетонни қуяди ва ишлашини тугатади ( $B_4-B_5$  чизик). Титратмамайдонча ишлатилиб, бетон қўшимча зичловчи юк билан зичлантирилади ( $T_3-T_4$  ва  $Z_1-Z_2$  чизиклар). Кейин

эса буюмнинг юзаси силлиқловчи машина билан текисланиб, буюмни қолиплаш жараёни тугатилади ( $C_1$ - $C_2$  чизик). Шундан сўнг титратмамайдончадаги бетонланган қолипни кран олиб, уни иссиқлик камерасига элтади ( $K_1$ - $K_2$  чизик). Буғ камерасида қотирилган буюмларни эса камерадан чиқариб ( $K_3$ - $K_4$ ), қолипларни очиш постига элтади ( $K_4$ - $K_6$  чизик), у ердан тайёрланган қолипни олиб арматуралаш постига келади ( $K_7$ - $K_9$  чизик).



2.2 расм. Агрегат- поток линиясидаги механизмларнинг ишланиши циклограммаси. 1- бетонқўйгич ; 2- титратмамайдонча ; 3- қолипқўйгич; 4- зичловчи юк, 5- қолипларни арматураловчи постЮ бўярматурани таранглаш қурилмаси, 7- чукурлик бут камераси, 8, 9 № 1 ва № 2 – кўприк кранлар, 10- қолипларни очиш, тозалаш ва мойлаш постлари, 11- буюмларни техник назорат қилиш ва расмийлаштириш пости, 12- тележка. Б1-Б2- бетонқўйгичнинг ишлиши, К- қолипўрнатгичнинг ишланиши , Т1-Т2 – титритиш жараёни, З1-З2- зичлаш жараёни; С1-С2 – силлиқлаш жараёни, К1-К10 № 1 краннинг , К1<sup>1</sup> – К6<sup>1</sup> - № 2 краннинг ишланиши.

Шундан сўнг кран буюмни бетонлаш жараёнига доир бўлган ишларга қатнашади, яъни зичловчи юкни бетон устига ўрнатади, кейин эса юкни олади ( $K_{10}$ - $K_{11}$  харакат). Буюм тўлиқ қолипланиб бўлингач, кран буюмни иссиқлик камерасига элтади ва х.к.

Қолипларни очиш постида буюмлар қолипдан чиқарилади, қолиплар тозаланади, мойланади ва таъмирланади. Буюмлар шундан сўнг иккинчи кран

ёрдамида кейинги постга келтирилади ва техник назоратдан ўтказилиб расмийлаштирилади. Сўнгра буюм махсус тележкага юкланиб, тайёр буюмлар сақлаш омборига жўнатилади (циклограммада краннинг  $K_1^1$ - $K_7^1$  харакатлари). Буюмларни техник назоратдан ўтказиш постида буюмнинг сифатини, мустаҳкамлигини ва бошқа хусусиятларини аниқловчи махсус жиҳозлаштирилган тажриба-стенди бўлиб, ундан ДАСТ талаби бўйича буюмнинг маълум партиясидан намуналар ажратилиб, текшириб турилади.

Буюмни қуйиш циклининг давом этиши вақти циклограмма асосида  $t_{ц}=12$  мин.ташкил қиласди. Биринчи краннинг бир марта айланиш вақти 8,0 мин, иккинчи кранники эса 4,5 мин. Буғ камерасининг қотириш вақти  $T_k=11$  соат (жадвал 1. илова 2). У ҳолда қолипнинг айланиш вақти сумма  $T_{айл.}=T_k+\sum t_{ц}=11+0,87=11,87$  соат; бу ерда технологик жараёнларнинг тўлиқ бажарилиши вақти жад.2.5 асосида  $\sum t_{ц}=52\text{мин}:60=0,87$  соат. Технологик жараёнларнинг бажарилиши давомидаги тўхташларни ҳисобга олувчи коэффициент  $K=0,85...0,95$ . У ҳолда қолипнинг ҳақиқий айланиш вақти сумма  $T_{айл.}=11,87:0,95=12,50$  соатга teng бўлади.

### Мс

## 3.2. Буюмларни узлукли (циклли) ишловчи агрегатларда қотириш

Бетон ва темир-бетон буюмларни иссиқлик билан қотириш учун узлукли ишлайдиган чуқурлик буғлаш камералари кенг қўлланилади (асосан агрегат-поток усули учун). Унинг асосий қурилмаларига деворлари, пол, очиладиган қопқоқ ва иситиш системалари киради. Чуқурлик буғлаш камералари бир хил бўлмайди, унинг габарит ўлчамлари ва сони корхонанинг берилган унумдорлиги асосида буюмнинг турига қараб аниқланади. Камеранинг ўлчамларини аниқлашда унинг чуқурлиги 3,0 м дан қўп бўлмаслиги керак. Акс ҳолда унинг баландлиги бўйича иссиқлик микдорининг тарқалишида фарқ бўлиши мумкин. Шуни назарда тутиш керакки чуқурлик буғ камераларида буюмлар бир-бирига устма-уст 4...6 қават қилиб ўрнатилади. Буғ бир текис тарқалиши учун қолиплар орасига 5...7 см қалинликда ёғоч пона қўйилади. Шундай қилиб, камеранинг умумий баландлиги қолиплар баландлиги, энг устки қолип билан қопқоқ орасидаги 10 см ва энг пастки қолип билан пол орасидаги 10 см ҳамда қолиплар орасидаги тиргак баландликлари йиғиндисидан иборат бўлади.

Камеранинг узунлиги ва эни буюмнинг қолип билан биргаликдаги узунлиги ва эни ҳамда қолип четларидан камера деворларигача бўлган  $35\div50$  см масофалар йиғиндиси орқали аниқланади. Одатда камеранинг ўлчамлари буюмларнинг ҳажми  $18\div20 \text{ м}^3$  сиғимлик бўлишга мўлжаллаб ҳисобланади. Катта ўлчамлик буюмлар учун камера ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти ўртacha  $0,3\div0,4$  га teng бўлади.

Камеранинг ўлчамларини ва ҳажмини билган ҳолда унинг йиллик унумдорлигини аниқлаш мумкин. Унумдорлик асосида цех учун керакли камералар сонини топиш мумкин. Хисоб бўйича аниқланган камералар сонини  $1\div2$  тага ошириш мумкин, чунки цехнинг унумдорлиги ўзгариши ёки

камераларни таъмирлаш учун тўхтатилиши мумкин. Камеранинг иш цикли давомийлиги алоҳида жараёнларга сарф қилинган вақтлар йифиндиси орқали аниқланади (камера қопқоғини очиш, буюмларни камерадан чиқариш ва камерага киритиш, қопқоқни ёпиш, иссиқлик билан қотириш). Цехда иш уч сменада бажарилганда камерадан тўлиқ фойдаланилади. Иш икки сменалик бўлганда, учунчи сменада камера ишлатилмай қолади ва унинг суткадаги айланиши пасаяди. Бундай ҳолда камеранинг сутка давомидаги айланиши маҳсус циклограмма (камеранинг сутка давомидаги айланиш циклограммаси 3.1, 3.2 расмлар) орқали аниқланади.

Камеранинг ўртача айланиш вақти  $T_k$  (соат), уч смена ва 6 кунлик иш хафтаси учун қуидагича ҳисобланади: камерани битта қўйиш постидан юклаганда

$$T_k = t_u + 1,715 \cdot t_n \text{ m} / 60 \quad (3.1)$$

иккита қўйиш постидан юклаганда

$$T_k = t_u + 1,143 \cdot t_n \text{ m} / 60 \quad (3.2)$$

бу ерда  $t_u$ -иссиқлик билан қотириш вақти, соат;  $t_n$ -қўйиш цикли давомийлиги, мин;  $m$ -камерага устма-уст жойлашадиган қолиплар сони.

Камеранинг ўртача айланиш вақти  $T_k$  икки ва уч смена ва 5 кунлик иш хафтаси учун циклограммадан (3.1 расм, а, б) фойдаланиб аниқланади. Бунинг учун камерани юклаш вақти ҳисобланади: битта постдан юклаганда  $t_k = t_n \cdot m$ , иккита постдан юклаганда  $t_k = t_n \cdot m / 2$ . Бунда топилган вақт қиймати абцисса ўқида белгиланиб, унга перпендикуляр ўтказилганда ва унинг  $S$  ( $t_k$ ) чизик билан кесишган нуқтасига мос келувчи  $T_k$  микдори топилади.

Агрегат-поток усули учун талаб қилинадиган чуқурлик буғлаш камералари сони қуидагича ҳисобланади.

$$N_k = \frac{B \cdot T_k}{24 \cdot t_u \cdot m} \quad (3.3)$$

Камеранинг асосий ўлчамлари қуидагича аниқланади:

$$\text{узунлиги } l_k = n \cdot l + (n+1) \cdot l_1 \quad (3.4)$$

бу ерда  $n$ - камера узунлиги бўйича жойлашадиган қолиплар сони;  $l$ - қолип узунлиги, м;  $l_1$ - қолип билан камера деворлари орасидаги масофа,  $l_1=0,4 \div 0,5$  м (узун томони бўйича).

$$\text{эни } b_k = n_1 \cdot b + (n_1 + 1) \cdot b_1 \quad (3.5)$$

бу ерда  $n_1$ - камера эни бўйича жойлашадиган буюмлар сони;  $b$ -қолип эни, м;  $b_1$ -қолип билан камера деворлари орасидаги масофа  $b_1=0,35 \div 0,4$  м (эни бўйича). баландлиги (чуқурлиги)

$$h_k = n_2 \cdot (h + h_1) + h_2 + h_3 \quad (3.6)$$

бу ерда  $n_2$ -камера баландлиги бўйича жойлашган қолиплар сони;  $h$ -қолип қалинлиги; м,  $h_1$ -қолиплар орасидаги тирқиши;  $h_1=0,05 \div 0,07$  м;  $h_2$ -камера поли сатхидан қолип тагигача бўлган масофа (баландлик)  $h_2=0,1 \div 0,15$  м;  $h_3$ -камерадаги энг устки қолип устидан камера қопқоғи тагигача бўлган масофа (баландлик)  $h_3=0,1 \div 0,15$  м.

Камерани қолиплар билан тўлдириш коэффициенти (буюмлар учун эса  $K_0$  қиймати 3.1 жад. берилган) қуидагича ҳисобланади.

$$K_0 = V_\phi / V_k \quad (3.7)$$

Камерани юклаш коэффициенти

$$K_{\text{ю}} = V_b / V_k \quad (3.8)$$

бу ерда  $V_\phi$ -камерага ўрнатиладиган қолиплар ҳажми,  $\text{m}^3$ ;  $V_b$ -камерадаги буюмлар ҳажми,  $\text{m}^3$ ;  $V_k$ -камера ҳажми,  $\text{m}^3$ .

Баъзи буюмлар учун  $K_0$  коэффициентнинг ўртача миқдори.

Жадвал 3.1.

Буюмларнинг хили	Камера учун $K_0$ қиймати	
	Махсуслаштирилган	Универсаллаштирилган
Фовакли, говаксиз ва қовурғали плиталар	0,36	0,24
Ригеллар	0,27	0,05
Зинапоя ва унинг плита-лари	0,25	0,06
Устунлар	0,34	0,12

Камеранинг  $1\text{m}^3$  фойдали ҳажмидан йил давомида чиқариладиган маҳсулотлар миқдори,  $\text{м}^3/\text{м}^3$

$$Cr = K_{\text{айл}} \cdot K_{\text{ю}} \cdot C \quad (3.9)$$

бу ерда  $K_{\text{айл}}$ -камеранинг сутка давомидаги айланишлар сони. С-йиллик фонд иш вақти;

$$K_{\text{айл}} = 23 / T_k \quad (3.10)$$

Битта агрегат-поток линияси учун талаб қилинадиган қолиплар сони куйидагича аниқланади:

$$n_k = \frac{1,05 \cdot 2,5 \cdot T_{\text{аиль}} \cdot B}{\sum T_u} \quad (3.11)$$

бу ерда  $B$ -сутка давомидаги иш соатлари;  $T_{\text{аиль}}$ -қолипнинг ўртача айланиш вақти, соат;  $\sum T_u$  -қолипларни тайёрлаш, арматуралаш ва бетонлаш цикларининг давом этиш вақти, мин:

$$T_{\text{аиль}} = T_k + (t_u + \sum t_\phi) / 60 \quad (3.12)$$

бу ерда  $(t_u + \sum t_\phi) / 60$  ҳамма жараёнларни бажариш учун кетган вақт (буюмни қолипдан бўшатиб, янгитдан буюмни қўйиш учун);  $t_u$ -қўйиш цикли (бетонлаш постида), мин;  $\sum t_\phi$ -қолипларнинг бошқа постларга келиш вақти, мин.

Юқоридагилардан фойдаланиб камеранинг асосий ўлчамларини аниқлаймиз. кувур ўлчамлари  $2.5 \times 0.6 \times 0.6$  м. Қолип ўлчамлари эса  $2.8 \times 0.9 \times 0.75$  м. Қўйиш циклини битта пост учун  $t_u = 12$  мин қабул қиласиз. Баландлик бўйича 6 қатор буюм қўйиладиган бир секциялик камера танлаймиз.

Камеранинг узунлиги  $l_k = 2.8 \cdot 6 + (1+1) \cdot 0.4 = 13.44$  м, эни (3.5) асосан  $b_k = 0.9 \cdot 6 + (1+1) \cdot 0.35 = 6.1$ , ва унинг баландлиги (чуқурлиги) (3.6) асосан  $h_k = 6 \cdot (0.75 + 0.07) + 0.15 + 0.1 = 5.17$  м.

Камеранинг ўртача айланиш вақтини ҳисоблаймиз: иссиқлиқ билан қотириш циклининг давомийлиги (вақти)  $t_u=12,5$  соат (буюмнинг қалинлиги ва бетон синфи асосида). Қуйиш цикли  $t_u=12$  мин, ёки  $12:60=0.2$  соат. Камерадаги қолиплар сони баландлиги бўйича  $m=2$  та. У ҳолда камерани битта қуйиш постдан юкландганда (3.1) асосан (икки сменалик ва олти кунлик иш хафтаси учун):

$$T_k = 14 + 1,715 \cdot 12 \cdot 6 / 60 = 11.05 \text{ соат}$$

Беш кунлик иш хафтаси учун, икки сменада иш бажарилганда: камерани юклаш вақти  $t_k=12 \cdot 2=24$  мин (битта постдан юкландганда). Циклограмма асосида (3.1. а-расм)  $T_k=13,18$  с тенг бўлади. Юклаш вақти  $t_k=12 \cdot 2 / 2=12$  мин бўлганда (иккита постдан юкландганда)  $T_k=12,95$  с тенг бўлади. Плитани иссиқлиқ билан қотириш режими графиги (3.3-расмда) кўрсатилган.

Талаб қилинадиган камералар сонини (3.3) асосида ҳисоблаймиз:  $B=16$  соат бўлганда (икки сменали, 5 кунлик иш хафтаси учун) ва битта қуйиш постдан юкландганда

$$N_k = 16 \cdot 13,18 / 24 \cdot 0,2 \cdot 2 \approx 22 \text{ дона}$$

Иккита қуйиш постдан юкландганда

$$N_k = 16 \cdot 12,95 / 24 \cdot 0,2 \cdot 2 \approx 22 \text{ дона}$$

Битта линия учун талаб қилинадиган қолиплар сонини аниқлаймиз. Қолипнинг ўртача айланиш вақти (3.12) асосан:

$$T_{ail}=13,8 + \frac{12+52,5}{60} = 13,8 + 1,08 = 14,26 \text{ соат}$$

бу ерда  $T_{ail}=13,8$ -камеранинг ўртача айланиш вақти;  $t_u=12$  мин—бетон қуйиш цикли;  $\sum t_\phi=52,5$  мин қолипнинг бошқа постга келиши ва бошқа жараёнлар учун кетган вақт. У ҳолда қолиплар сони (3.10) асосан  $n_k=1,05 \cdot 2,5 \cdot 16 \cdot 14,26 / 38 = 15$  дона.

Бу ерда  $B=16$  соат—сутка давомидаги иш соатлари;  $T_{ail}=14,26$  с-қолипнинг ўртача айланиш вақти;  $\sum T_u=9+5+10+2+12=38$  мин қолипни тозалаш, мойлаш бортларини маҳкамлаш арматуралаш, титратма майдончага ўрнатиш ва бетонлаш учун кетган вақтлар йиғиндиси.

Камерани қолиплар билан тўлдириш ва уни юклаш коэффициентларини аниқлаймиз:

камерадаги буюмлар ҳажми  $V_6=1 \cdot b \cdot h_k \cdot m=(3,3 \cdot 2,7 \cdot 1,85) \times 2=32,96 \text{ м}^3$

камерадаги қолиплар ҳажми  $V_\phi=(3,7 \cdot 3,10 \cdot 2) \times 2=45,88 \text{ м}^3$

камеранинг ҳажми  $V_k=l_k \cdot b_k \cdot h_k=15,6 \cdot 13,1 \cdot 1,29=255 \text{ м}^3$

У ҳолда (3.7) ва (3.8) асосан  $K_0=47,55 / 84=0,18$  ва  $K_{io}=32,96 / 84=0,129$ . Камеранинг  $1 \text{ м}^3$  фойдали ҳажмидан йил давомида чиқариладиган маҳсулот миқдорини  $\text{м}^3 / \text{м}^3$  (3.9) асосан ҳисоблаймиз (жад. 3.2 қаранг).

$$C_r=2,19 \cdot 0,129 \cdot 247=70 \text{ м}^3$$

бу ерда  $K_{ail}=23 / T_k=23 / 13,8=1,745$  марта,  $C=247$ -йил давомидаги иш кунлари.

**Хар-хил буюмлар учун камеранинг  $1\text{m}^3$  ҳажмидан бир йилда  
чиқариладиган маҳсулотлар миқдори**

Жадвал. 3.2.

Буюмларнинг хили	Камеранинг $1\text{m}^3$ ҳажмидан чиқариладиган маҳсулотлар, $\text{м}^3/\text{йил}$
Ораёпма ва том ёпма плиталари	130...180
Енгил бетонлик бир қатламли ташқи девор панеллари	90...140
Худди шундай уч қатламли	120...160
Ригеллар ва устунлар	80...120
Зинапоя ва унинг плиталари	70...90
Балкалар, ора деворлар ва блоклар	60...80

Агрегат-поток усули учун узлукли ишлайдиган туннел шаклидаги буғ камераси ҳам кўлланилади. Бундай камералар анча камроқ кўлланилиб, асосан кичик ўлчамли буюмларни иссиқлиқ билан қотириш учун мослаштирилади. Камеранинг узунлиги ўртacha  $15\dots25$  м атрофида бўлиб, эни бўйича бир қатор, узунлиги бўйича эса бир неча буюм кетма-кет жойлаштирилади. Камера релслик йўл билан жихозлантирилади. Унинг баландлиги қўйидаги аниқланади.

$$h_k = n(h + h_1 + h_2 + h_3 + h_4) \quad (3.13)$$

бу ерда  $n$ -камера баландлиги бўйича жойлашган қолиплар сони;  $h_1$ -қолиплар орасидаги тирқиш,  $h_1=10\dots15$  см,  $h_2$ -релснинг баландлиги,  $h_2=15\dots18$  см;  $h_3$ -қолип вагончасининг баландлиги;  $h_4$ -камера шипидан буюмнинг устигача бўлган тирқиш (баландлик),  $h_4=10\dots15$  см,  $h$ - буюмнинг қолип билан биргаликдаги баландлиги. Камеранинг баландлиги ўртacha 2 м орасида бўлса мақсадга мувофиқдир. Унинг узунлиги ва эни, камералар сони, ўртacha айланиш вақти ва бошқа кўрсатгичлари юқорида кўриб чиқилган чуқурлик-буглаш камераси каби аниқланади.

### **3-Боб. ХОМ АШЁЛАР ОМБОРИ ВА БЕТОН ҚОРИШ ЦЕХИ**

#### **3.1**

#### **Цемент омборлари**

Цемент омборлари цементни сақлаш учун, шунингдек уни транспорт воситасидан қабул қилиш ва бетонқориши цехнинг сарфлаш бункерига узатиши учун хизмат қиласи. Цемент омборлари қўйидаги синфланади: транспорт йўлларига боғланиши бўйича; сифими бўйича; силос идишларининг хили бўйича, бошқарилиши ва цементни узатиши бўйича.

Транспорт йўлларига боғланиши бўйича улар автомобил транспорти ва темирйўл транспорти омборларига бўлинади. Автомобил транспорти йўлларига боғланган омборлар асосан цемент ташигич транспорт воситалари ёрдамида тўлдирилади. Темирйўл транспорти йўлларига боғланган

омборларга вагонлар ёрдамида цемент ташиб келтирилади. Сифими бўйича силос омборлари 100, 150, 200, 240, 360, 480, 720, 1100, 1700, 2500 ва 4000 т мўлжалланади. Алохидан силос диаметрлари  $5\div 10$ м қилиб ясалади. Қуввати унча катта бўлмган корхоналарнинг алохидан цехлари учун сифими  $10\div 25$  т лик силос омборлари қўлланилади. [2.4].

Силос идишларининг хили бўйича улар цилиндр шаклидаги пўлат тунукалардан ва темирбетон қурилмалардан ясалади. Бошқарилишига қараб механизацияланасирилган ва автоматлаштирилган хилларга бўлинади. Бетон қориш цехининг сарфлаш бункерига цемент силос омборидан маҳсус осма трубалар орқали ҳаво босими орқали узатилади.

Цементнинг омбордаги захираси яни эҳтиёж миқдори корхонанинг  $5\div 10$  кунлик ишлаб чиқариш талабига етиши керак. Корхонанинг унумдорлигини таъминлаш учун омбордаги цемент захирасининг хисобий миқдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$N_{\text{ц}} = \Pi \cdot \mathcal{C} \cdot \Pi_{\text{ц}} \cdot 1.04 / 0.9 \cdot C \quad (4.1)$$

Бу ерда  $\Pi$ -корхонанинг йиллик унумдорлиги,  $\text{м}^3$ :  $\mathcal{C}$ - $1\text{м}^3$  бетонга сарфланадиган цементнинг ўртача сарфи, кг:  $\Pi_{\text{ц}}$ -омбордаги цемент захираси, кун; 1.04-цементни ташиб ва тушириш пайтида содир бўладиган камайишларни хисобига оловчи коэффициент; 0.9-силос идишларнинг тўлдирилиши коэффициенти;  $C$ -йил давомидаги хисобий иш кунлари.

Юқоридаги (4.1) формула орқали топилган цемент захираси асосида омбор хажми аниқланади. Омбор хажми хамда корхона унумдорлигига

69

қараб ва жад. 6 (илова 2) асосида силос идишларнинг сони аниқланиб, улар бир, икки ёки бир неча қатор қилиб жойлаштирилади.

Унумдорлиги йилига 17 минг  $\text{м}^3$  бўлган том плитаси ишлаб чиқариш цехи учун талаб қилинадиган цементнинг омбордаги захирасини аниқлаймиз. Цемент сарфи  $1\text{м}^3$  бетон қоришмаси учун  $\$1.4$  асосан 277 кг. Цемент темирйўл транспорти билан ташилганда унинг меъёрий захираси жад. 6 (илова 2) асосан 10 кун қабул қиласиз. Цехнинг хисобий иш кунлари сони 262 кун.

Цементнинг омбордаги талаб қилинадиган захирасини (4.1) формула асосида хисоблаймиз:

$$\mathcal{C} = 17000 \cdot 0,392 \cdot 8 \cdot 1.04 / 0.9 \cdot 262 = 235\text{т}$$

Корхонанинг унумдорлигига асосан жад. 6 (илова 2) асосида 2 та сифими 100т силос банкаси қабул қиласиз. Силос идишларининг тўлдирилиши коэффициенти 0.9. Унда силос идишларига  $2 \cdot 100 \cdot 0.9 = 270 > 203$ т цемент жойлашади.

### 3.2. Тўлдирувчилар омбори

Темирбетон корхоналарининг тўлдирувчилар омбори ашёларни қабул қилиш, сақлаш ва омборларнинг хили бўйича синфланади. Омборларга ашёлар транспорт воситасида келтирилади ва гравитацион куч таъсирида ишловчи маҳсус механизмлар ёрдамида туширилади. Тўлдирувчилар омбори очик, ёпиқ, яримёпиқ усувларда лойихаланади ва штабеллик, бункерсимон яримбункерсимон хамда силослар шаклда ясалади.

Тўлдирувчилар омбори бир неча катаклардан иборат бўлади ва уларда ашёлар керакли фракциялар бўйича сақланади. Бетон қориш цехининг сарфлаш бункерига ашёлар тўлдирувчилар омборидан маҳсус ўрнатилган тасмали нишабли конвейер ёрдамида узатилади.

Тўлдирувчилар омборида барча жараёнлар комплекс механизациялашган ва автоматлаштирилган усувларда бажарилади. Омборларнинг хили, сифими ва уларни бошқариш тизими омбор жараёнлари учун энг минимал харажатларни таъминлаши зарур.

Омборларнинг хилини танлашда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур: иқлим шароитлари; ташқи транспорт ва унинг харакатланиш тизими омбордаги эҳтиёж захиралари миқдори технологик талаблар. Тўлдирчилар омборларини лойихалашда керакли технологик нормалар жад 7. (илова 2) берилган.

Тўлдирувчилар омборлари қурилиш тумани ва иқлим шароитлари асосида очик ёки ёпиқ холда лойихаланади. Қиши вақти унча узоқ давом этмайдиган ва ёғингарчилик кам бўладиган районларда тўлдирувчилар омбори очик холда қурилади. Қиши вақти узоқ давом этадиган, ташқи харорат меъёрдагидан паст ва ёғингарчилик кўп бўладиган жойларда эса тўлдирувчиларни қиздириш мақсадида ёпиқ омборлар лойихаланади. Омборларнинг умумий кўриниши ва жойланиши 1÷3 расмларда (илова 3) кўрсатилган.

Омборларнинг сифими корхонанинг йиллик унумдорлиги ва меъёрда кўрсатилган тўлдирувчиларнинг захираси орқали аниқланади. Бунда тўлдирувчиларнинг миқдори корхонанинг тўхтовсиз ишлаб чиқаришини таъминлаши зарур. Омборнинг фойдали юзаси қуйидагича аниқланади:

$$S_1 = V/q \quad (4.2)$$

бу ерда  $V$ -тўлдирувчиларнинг ишлаб чиқаришга керакли захираси,  $m^3$  (ёки  $t$ );  $q$ -омборнинг солиштирма сифими,  $m^3/m^2$  (ёки  $t/m^2$ ).

Унда омборнинг умумий юзаси:

$$S_2 = S_1 K_n \quad (4.3)$$

Бу ерда  $K_n$ -омбор юзасининг ўйлаклар хисобига кенгайишини хисобга олувчи коэффициенти,  $K_n=1,5$

Омбордаги тўлдиргичларнинг ишлаб чиқариш жараёнига етадиган захираси:

$$V = \Pi \cdot Z \cdot n_t \cdot K / C \quad (4.4)$$

бу ерда  $\Pi$ -корхонанинг йиллик унумдорлигини,  $m^3$ ;  $Z$ -бетон учун сарф бўладиган тўлдирувчиларнинг ўртача миқдори,  $m^3/m^2$ ;  $n_t$ -иши кунлари бўйича

тўлдирувчиларнинг захираси; жад.7 (илова 2) олинади. К-тўлдирувчиларни ташиш ва тўкиш пайтида содир бўладиган камайишини эътиборга олевчи коэффициенти;  $K=1,02$ . С-жихозларнинг йиллик ишлатилиши вақти, кун.

Ишлаб чиқариш жараёнида  $1\text{m}^3$  бетон қоришмасини тайёрлаш учун сарф қилинадиган тўлдирувчиларнинг тахминий миқдори жад. 8 (илова 2) берилган.

Одатда тўлдирувчилар омборга маҳсус жиҳозланган узатувчи тасмали конвейер ускуналари ёрдамида тўкилади. Тўлдирувчилар қўзғалмас конвейер билан бир жойга тўкилганда конус шаклидаги уюм ҳосил бўлади. (4.1 арасм).


Конус шаклида тўкилган тўлдирувчилар уюмнинг ҳажми қўйидагича топилади:

$$V = \pi \cdot H^3 / 3 \cdot \operatorname{tg}^2 \alpha \quad (4.5)$$

Бази холларда омборга тўлдирувчилар ўзи юрар тўқувчи конвейер ускунаси орқали тўкилганида бир учи яримконус ва қолган томони призма шаклда чўзилиб кетади. (4.1-б-расм). Бундай холларда тўлдирувчилар уюмнинг ҳажми:

$$V = H^2 L / \cdot \operatorname{tg} \alpha + \pi \cdot H^2 / 12 \cdot \operatorname{tg}^2 \alpha \quad (4.6)$$

бу ерда  $H$ -тўлдирувчилар уюмининг баландлиги, м;  $L$ -уом призмасимон қисмнинг узунлиги, м;  $\alpha=40^\circ$  ашёларнинг таббий қиялик бурчаги.



4.1-расм. Тўлдиргичлар уюмининг ҳажмини топишга доир схемалар. а-конуссимон шаклда; б-призмасимон шаклда.

Унумдорлиги 6 минг м<sup>3</sup> бўлган том плитаси ишлаб чиқариш цехи учун талаб қилинадиган тўлдирувчиларнинг захирасини аниқлаймиз. Тўлдирувчилар омборга темирийўл транспорти орқали ташиб келтирилади. Цехнинг хисобий иш қунлари сони 262 кун.

Тўлдирувчилар темирийўл транспорти билан ташилганида тўлдирувчиларнинг меъёрий захираси жад. 7. (илова 2) асосан  $n_t=10$  кун қабул қиласиз. Шунингдек 1м<sup>3</sup> оғир бетон қоришмасини тайёрлаш учун 0,9м<sup>3</sup> шағал ва 0,45м<sup>3</sup> қум (уйма ҳажмда) сарф қилинади жад. 8. (илова 2). Тўлдирувчиларнинг ишлаб чиқаришга керакли захирасини (4.4) асосида хисоблаймиз:

$$\begin{aligned} \text{шағал захираси: } V_{\text{щ}} &= 17000 \cdot 1,364 \cdot 8 \cdot 1,02 / 262 = 722 \text{м}^3 \\ \text{қум захираси } V_{\text{к}} &= 17000 \cdot 0,484 \cdot 82 \cdot 1,02 / 262 = 256 \text{м}^3 \\ \text{тўлдирувчиларнинг умумий миқдори } V &= V_{\text{щ}} + V_{\text{к}} = 722 + 256 = 978 \text{м}^3 \end{aligned}$$

Шағал уюмининг баландлигини 10м, қумниники эса 8 м қабул қиласиз, Қиялик бурчаги  $\alpha=40^0$ . Унда шағал уюмининг ҳажми (4.5) асосан

$$V = 3,14 \cdot 9^3 / 3 \cdot 0,839^2 = 1084 \text{м}^3.$$

$$\text{бу ерда } \operatorname{tg}\alpha = \operatorname{tg}40^0 = 0,839.$$

$$\text{Шағал уюми асосининг диаметри } D = 2 \cdot H / \operatorname{tg}\alpha = 2 \cdot 9 / 0,839 = 21,5 \text{м.}$$

$$\text{Унда шағал уюми асосининг юзаси } S_{\text{щ}} = \pi \cdot D^2 / 4 = 3,14 \cdot 21,5^2 / 4 = 363 \text{м}^2$$

Қум уюмининг ҳажми: (4.5) га асосан:  $V = 3,14 \cdot 7^3 / 3 \cdot 0,839^2 = 510 \text{м}^3$ ; қум уюми асосининг диаметри  $D = 2 \cdot 7 / 0,839 = 16,7 \text{м}$ .

$$\text{Қум уюмининг асосининг юзаси } S_{\text{к}} = 3,14 \cdot 16,7^2 / 4 = 219 \text{м}^2$$

$$\text{Унда омборнинг фойдали юзаси } S = S_{\text{щ}} + S_{\text{к}} = 363 + 219 = 582 \text{м}^2.$$

$$\text{Омборнинг умумий юзаси (4.3) асосида } \Sigma S = 5 \cdot 82 \cdot 1,5 = 615 \text{м}^2$$

Меъёрий иқлим шароитларини эътиборга олган холда ярим ёпик омбор танлаймиз. Омборнинг энини  $B=25$ м қабул қиласиз (бунда омбор эни шағал уюми диаметридан каттароқ бўлиши керак.) Узунлиги бўйича иккита шағал бўлинмаси ва битта қум бўлинмаси, жойлаштирамиз,. Унда омборнинг узунлиги  $L=2 \cdot 25 + 1 \cdot 20 = 70$ м бўлади. Демак омборнинг умумий юзаси:

$$\Sigma S = B \cdot L = 25 \cdot 75 = 1875 \text{ м бўлади.}$$

Омборнинг ён томонига узунаси бўйича темирийўл ва автомобил йўлаклари жойлаштирилади. Шунингдек омборнинг узунаси бўйича бир томонига тўлдирувчиларни қабул қилувчи ва бетон қориш цехига узатувчи қурилмалар (тасмали конвойдлар, юклагичлар) жойлаштирилади. Натижада омборнинг механизмлар билан биргалиқдаги узунлиги ўртача  $25 \div 40$ м, узувиши эни  $5 \div 10$ м кенгайиши мумкин.

Тўлдирувчилар ва цемент омборлари бетон қориш цехи ёнига жойлаштирилади. (бунда шамол йўналиши хислбга олиниши шарт).

### 3.3 Бетон қориш цехи.

Бетон қориш цехлари таркиби ва синфи бир хил бўлган сифатли бетон қоришмасини тайёрлашга мослаб лойихаланади. Бундай цехлар

бетонқоригичлардан, саралагичлардан сарфлаш бункерларидан, бошқарув жиҳозларидан, кимёвий құшымчаларни тайёрловчи қурилмалардан, шунигдек хом ашёларни қабул қилувчи ва бетон қориши масини узутувчи ташқи тасмали конвейер тизимларидан ташкил топади. Бетон қориши цехлари қуйидаги синфланади: ишлаш принципи бўйича; жиҳозларнинг жойланиши бўйича; бетонқоригич идишларининг жойланиш схемаси бўйича; ишлаш жараёнларини бошқариш бўйича.

Ишлаш принципи бўйича бетонқориши цехлари “цикли” ва “тинимсиз ишловчи” хилларга, жиҳозларнинг жойланиши бўйича эса “ёрдамчи” ва “баландликли” хилларга бўлинади. Бетонқоригич идишларининг жойланиш схемаси бўйича “чизиқли” бир ва икки қаторлик ҳамда “уясимон” шаклда бўлади. Ишлаш жараёнларини бошқариш бўйича бетонқориши цехлари “механизациялаштирилган” ва “автоматлаштирилган” қилиб лойихаланади.

Бетон қориши цехлари тик схема бўйича лойихаланади ва баландлиги  $25 \div 30\text{m}$  атрофида бўлади. Цехнинг ўлчамлари (устунлар орасидаги масофа)  $6 \times 9$ ,  $6 \times 12$ ,  $9 \times 12$ ,  $12 \times 12$ ,  $12 \times 18$ ,  $18 \times 24\text{m}$  қилиб лойихаланади. (юзаси  $54 \div 432\text{m}^2$  атрофида). Уларнинг йиллик қуввати (унумдорлиги) алоҳида цехлар ва кичик корхоналар учун  $40 \text{ минг m}^3$  гача, ўртача корхоналар учун  $40 \div 300 \text{ минг m}^3$  ва йирик корхоналар учун эса  $300 \text{ минг m}^3$  дан кўп бетон қориши масини тайёрлашга мослаштирилади.

Цех биносининг энг юқори қисмидан бошлаб ашёларни қабул қилиш бункерлари (мос холда цемент, қум, шағал ва х.к), саралаш бункерлари, сарфлаш бункерлари, бетонқоригич барабанлар, тарқатиш бункерлари ва бошқа ускуналар тик схема бўйича қаватма-қават жойлаштирилади. Технологик ускуна ва жиҳозларнинг жойланиши  $4 \div 6$  расмларда келтирилган (илова 3).

Тўлдирувчилар (қум, шағал ва х.к) омборлардан бетон қориши цехининг қабул қилиш бенкерига қия жойлашган ёпиқ тасмали узатувчи конвейер орқали солинади. Цемент эса ҳаво босими остида сўрувчи қувур орқали узатилади. Сарфлаш бункерларидаги ашёларнинг миқдори бетонқоригичларнинг  $1 \div 2$  соат ишлашига етадиган ва бир вақтнинг ўзида икки хил қориши машина тайёрлаш имконини берадиган бўлиши керак (харакатчан ва қаттиқ қориши малар учун). Ашёлар сақлаш бункерларидаги (талаб қилинадиган бетон синфи бўйича) керакли миқдорда ( $1\text{m}^3$  бетон

қориши маси меъёри учун ёки бетонқоригич ҳажми бўйича) сараланади. (миқдорланади) ва бетон қоригич барабанларига узатилади. Сўнгра тайёр бўлган бетон қориши маси тарқатиш бункерига ундан эса қуийш цехларига тасмали узатувчи конвейерлар ёки транспорт воситаси ёрдамида юборилади.

Бетон қориши цехларини лойихалашда хисобга олинадиган асосий технологик кўрсатгичларнинг меъёрлари адабётларда берилган

Бетонқориши цехларидаги бетонни қориидиган барабанлар тўхтаб-тўхтаб (цикли) ва тинимсиз ишлайдиган хилларга бўлинади. Хом ашёларни аралаштириш бўйича бетонқоригичлар гаравитацион, яни ашёлар эркин тушиб турадиган ва мажбурий харакатланувчи хилларга бўлинади.

Гравитацион бетонқоригичларнинг сиғими 100, 250, 500, 1200 ва 3000 л, мажбурий харакатланувчи бетонқоригичларники эса 250, 500, 750 ва 1500 л тенг бўлади. Ишчи қисмларнинг қурилмасига кўра барабансимон, тарелкасимон ва лоток шаклида бўлади.

Циклли ишлайдиган бетонқоригичларнинг унумдорлиги қоришма хажмига, бир соат мобайнидаги қоришмалар сонига ва бетон қоришмасининг чиқиши коэффициентига боғлиқ бўлади. Бундай бетонқоригичларнинг унумдорлиги қуидаги формула орқали аниқланади:

$$P = V_b \cdot \beta p / 1000 \quad (4.7)$$

бу ерда  $V_b$ -бетонқоригич барабаннинг юкланиши сиғими, л;  $\beta$ -қоришманинг чиқиши коэффициенти;  $p$ -бир соатдаги қоришмалар сони.

Қоришманинг тайёрланадиган хажми:

$$V_{bk} = \beta V_b \quad (4.8)$$

Бир соатдаги қоришмалар сони:

$$n = 3600 / t_{\Pi} \quad (4.9)$$

бу ерда  $t_{\Pi}$ -битта цикл вақти, сек:

$$t_{\Pi} = t_{io} + t_a + t_b \quad (4.10)$$

бу ерда  $t_{io}$ -бетонқоригични юклаш вақти, сек;  $t_a$ -бетон ашёларини аралаштириш ва кетган вақт, сек;  $t_b$ -бетонқоригични бўшатиш учун кетган вақт, сек.

Бетонқоригичларни юклаш вақти одатда  $10 \div 20$  сек оралиғида бўлади. Уларни бўшатиш вақти эса оғиб тўқадиган барабанлар учун  $10 \div 30$  сек, оғмайдиган барабанлар учун  $30 \div 50$  сек давом этади. Хом ашёларни қориш вақти зич тўлдирувчили қоришмалар учун  $50 \div 120$  сек, ғовак тўлдирувгичли қоришмалар учун эса  $150 \div 240$  сек атрофида бўлади. Хар хил тўлдирувчили бетон қоришмаларини қориш вақтлари жад 10, 12 (илова 2) берилган. Бир соат давомидаги қоришмалар сони

## 5.2. Ишлаб чиқариш цехларининг меъморий қурилмавий ечимлари.

Корхонанинг асосий цехларига буюмларни қолиплаш ва иссиқлиқ билан қотириш цехи, арматура цехи, тайёр буюмлар омбори, тўлдирувчилар омборлари ва бетон қориш цехи киради.

Куйиш цехи, арматура цехи ва тайёр буюмлар омбори одатда бир қаватли тўғри тўртбурчак шаклида лойихаланади. Арматура цехи қуйиш цехига бириктирилган холда жойлаштирилади (технологик тизимларнинг кетмакетлигини таъминлаш, арматура ашёларини қолипларга узатиш қулай бўлиши учун).

Цехларнинг узунлиги ўртacha  $72 \div 144$  м, устунлар орасидаги масофа (қадами) четки қаторлар учун 6м ва ўрта қаторлар учун эса 12м олинади. Цехлар бир ва кўп равоқли бўлиб, равоқлар узунлиги 12, 18, 24 осма кран

билан жихозланган холда ва 18, 24, 30м (кўприк кран ўрнатилган холда) қилиб лойихаланади. Корхонада цехлар бир нечта бўлса, уларда бир вақтнинг ўзида ҳар қайси цехда алохида буюмлар ишлаб чиқарилади (мисол учун биринчи цехда агрегат-поток усулида том плитаси, иккинчи цехда конвейер усулида девор панели ишлаб чиқарилади ва х.к). Цехларнинг равоқлари уч ва ундан кўп бўлган холларда ўрта равоқлар том ёпмасида ёруғлик тушадиган ҳамда ҳаво алмаштирадиган “аэроцион” фонар қурилмалари цехнинг узунаси бўйича ўрнатилади.

Осма кранларнинг юк кўтариш қобилияти 1; 2; 3,2; ва 5т бўлиб улар стропил қурилмаларининг пастки белбоғига цех узунаси бўйича ўрнатилган двутавр балкаларига шарнирли бириктириган холда харакатланади. Осма кранлар кўпроқ арматура цехларига ўрнатилади.

Кўприк кранларнинг юк кўтариш қобилияти 5,10, 15, 20, 30 ва 50 т бўлиб, улар устунлар елкаси устига цех узунаси бўйича ўрнатилган кран ости балкаси устидаги релс йўли бўйлаб харакатланади. Кран релсининг баландлиги 15-18см олинади. Цехнинг баландлиги (пол сатхидан стропил тагигача бўлган баландлик) +10,8м дан кам бўлганда устунларнинг елкасидан пастки қисми текис қирқимли (кўринишили) ва 10,8м дан кўп бўлганда эса икки тармоқли кўринишда бўлади. Асосий ишлаб чиқариш биноларининг (қувиш цехлари, арматура цехи, механик устахона ва х.к) равоқлар бўйича баландлик ўлчамлари жадвал 5.1 келтирилган.

Асосий ишлаб чиқариш цехлари бир қаватли ҳажмий каркас шаклида лойихаланади. Унинг узунаси бўйича 72м масофада зилзилага қарши чок қилинади (яни кўндаланг жойлашган икки қатор устунлар орасида 500мм масофа қолдирилади). Бинонинг асосий юк кўтарувчи қурилмалари стакан типидаги пойдеворлардан, устунлардан, кран ости балкалардан, стропил қурилмаларидан ва том ёпма плиталаридан ташкил топади. Бинонинг фазовий мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида икки четдаги ва ўртадаги стропил қурилмаларининг устки ва остки белбоғларига тик ва горизонтал вазиятда металл уголоклардан ясалган панжара ўрнатилади.

Стропил қурилмалардан сифатида узунликлари 12, 18, 24 ва 30м бўлган олдиндан зўриқтирилган панжарали ва панжарасиз нишабли балкалар, сегментли ва сегментсиз фермалар, том ёпмасига эса эни  $1,5 \div 3,0$ м, узунлиги  $6 \div 12$ м плиталар ишлатилади. Цехларнинг ён атрофига бландлиги  $1,2 \div 1,8$ м, узунлиги эса 6м бўлган енгил бетонли девор панеллари ўрнатилади. Цехларнинг умумий кўриниши ва қирқимлари 6-8 расмларда (илова 3) келтирилган. Бинонинг каркасини хосил қилувчи барча темирбетон қурилмалар ДАСТ талбларига мос келувчи ва амалда ишлатилиб келинаётган буюмлардан иборат бўлади.

## **6. АТРОФ МУХИТ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ**

Йиғма темирбетон корхоналарида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш энг асосий омиллардан ҳисобланади.

Корхона цехларида технологик жараёнлар бажарилиши давомида чанг, захарли газлар ва иссиқлик оқими ажралиб чиқади. Қуишиң цехида титратмайдончаларнинг ишлаши натижасида юқори частотали товуш хосил бўлади.

Шу сабабли атроф муҳитни муҳофиза қилиш, меҳнат хавфисзлигини таъминлаш ва бошқа масалалар бўйича маҳсус норматив хужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларда юқоридаги муаммоларни таъминлаш учун керакли тадбир ва чоралар кўрсатилган. Жумладан, хоналарнинг хавоси ифлосланмаслиги ва захарли газлар чиқмаслиги учун иссиқлик узатувчи трубопроводлар, жиҳозлар ва бошқа ускуналар изоляцияланиши, чанг ва заҳарли газлар чиқарувчи технологик жараёнлардаги бажариладиган ишлар маҳсус химоя кийим-бош кийилган ҳолда бажарилиши, шунингдек хона хавоси сунъий ва табиий усулларда тозаланиб ва шамоллаштирилиб туриши керак.

Цемент ва тўлдирувчилар омборида, бетон қуишиң цехида ишловчи ишчилар чанг ўтказмовчи маркаси ФР-30, ФР-90 филтрлардан фойдаланиши керак. Шунингдек, алоҳида бешта кийиладиган Ф45 маркали респератор, герметик кўзойнак ва маҳсус кийимбошлар ишлатилади.

Қуишиң цехида қолипларни титратиш натижасида хосил бўладиган товуш миқдори рухсат этиладиган миқдордан ошиб кетмаслиги керак. Товуш ва титраш миқдорини пасайтириш мақсадида титратмайдончалар тагига алоҳида массив пойдевор ясалади. Бундай пойдеворнинг қолип ўрнатиладиган жойларига маҳсус резина материаллар, эластик пружиналар ўрнатилади. Натижада товуш ва шовқин миқдори камаяди. Ишчилар резинаи оёқ кийими кийиши, қулоқга товуш ўтказмайдиган мослама тақиши, маҳсус резина қўлқоп кийиши керак.

Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида меҳнат хавфисзлигини таъминлаш асосан қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- иш жойлари кенг ва ишлаш учун қулай бўлиши;
- электр тармоғи фазаси ерга уланган бўлиши;
- ишлатиладиган асбоб ва ускуналар соз бўлиши;
- пайвандлаш ишлари бажарилганда химоя кўзойнаклари ва қўлқоплари ишлатилиши;
- пайвандлаш ишлари бажарилганда химоя кўзойнаклари ва қўлқоплари ишлатилиши;
- шунингдек иш жойига резина гиламчалар тўшалган бўлиши керак.

Арматурани механик усулда таранглашда тарангловчи қурилма атрофини метал-тўр билан ўраб чиқиши, қурилма учларига хавфисзлик тўсиқлари ўрнатилган бўлиши керак. Арматурани таранглаш пайтида шу ишларни бажариш учун рухсати бор кишилар қатнашиши лозим.

Буюмларни иссиқлик билан қотириш жараёнида буглаш камерасининг қопқоғи герметик маҳкамланиши, шунингдек камерани таъмирлаш ва тозалаш учун унинг деворида тушиш ва чиқиш илгаклари бўлиши керак.

Цехдаги товуш ва шовқин миқдори 90 дб ошмаслиги керак. Қолиплар ва буюмларни ишлаб турган одамлар устидан күтариб ўтиш қатыяян ман қилинади.

Керакли жиҳозлар ва механизмлага ёруғлик ёки товуш сигнал ўрнатилиши керак. Иш жойлари маҳсус афиша ва техника хавфсизлиги қоидалари плакатлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Технологик жараёнларда ишлатиладиган барча жиҳозлар, ускуналар, машина ва механизимлар доимо назорат қилиниб борилиши зарур. Корхона (цех) ишчи-ходимлари техника хавфсизлиги қоидалари бўйича керакли инструктаждан ўтган бўлиши керак.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Баженов Ю.М. Технология бетона. М.Стройиздат.1987.
2. Баженов Ю.М. Комар А.Г. Технология бетонных и железобетонных изделий. М.Стройиздат 1987г.
3. Константопуло Г.С. Примерқ задачи по механическому оборудованию заводов железобетонных изделий. М. Высшая школа. 1986 г.
4. Технология железобетонных изделий в примерах и задачах под ред. Попова Л.Н.М. М. Высшая школа. 1987г.
5. РСТ Уз. 724-96. Бетоны. Правила контроля прочности.
6. Цителаури Г.И. Проектирование предприятий сборного железобетона . Стройиздат. 1989 г.
7. Хитров В.Г. Технология железобетонных изделий М. . Высшая школа. 1978 г.
8. Волков А, Казарин С.К. Справочник молодого рабочего предприятий сборного железобетона М. . Высшая школа.1991г.
9. Кулдашев Х. Бетон ва темирбетон буюмлари технологиясидан босқич ва битирув-малакавий ишини бажариш учун услубий қўлланма. Самарқанд СамДМКИ, 2000й.

